115

ҲАР БИР ТУП ҒЎЗАНИ МЕҲР БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 115 (12.468)

Шанба, 18 май 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

КАДРЛАРНИ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚТИРАЙЛИК

Партиямиз ишнинг ҳамма тармоқлари учун етук ва ғоявий чиниққан кўп сонли кадрларни тарбиялаб етиштирди. Улар коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш йўлида революцион эҳтирос ва ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

КПССнинг XX ва XXII съездлари, партия ва давлат раҳбарлигининг ленинча принциплари тикланганлиги ва ривожлантирилганлиги, кейинги йилларда партия хўжаликка конкрет раҳбарлик қилиш сари бурилиш ясаганлиги кадрларнинг камол топиши ва ғоявий ўсишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

Янги жамиятни қуриш ишларининг миқёси кундан-кунга ўсиб бормоқда, вазифалар мураккаблашмоқда, омманинг ижодий активлиги юксалмоқда. Бу эса партия ташкилотлари олдига, партия ва давлат аппаратининг ходимларидан тортиб, ишлаб чиқаришдаги мастер ва бригадиргача барча звеноларнинг раҳбарлари олдига янада юксак талаблар қўймоқда. Ҳозирги кунда ҳар қандай раҳбарнинг ғоявий жиҳатдан юксак даражада чиниққан бўлиши, ишлаб чиқариш техникасини ва экономикасини билиши, коммунистик қурилишнинг қонуниятлари ва перспективаларини тушуниши, КПСС XXII съезди қўйган вазифаларни бажаришга одамларни жипслаштира оладиган ва бошлаб бора оладиган бўлиши ҳар қачонгидан кўра кўпроқ талаб қилинмоқда.

Партия, унинг ленинчи Марказий Комитети кадрлар билан ишлашни яхшилаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Яқинда КПСС Марказий Комитети Тошкент ва Горький шаҳар партия ташкилотларида раҳбар кадрлар билан ғоявий-тарбиявий ишлаш масаласини кўриб чиқди. Шу муносабат билан қабул қилинган қарорларда Марказий Комитет идеология ишининг тажрибаларини умумлаштирди, партия комитетларининг ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини чуқур анализ қилди, кадрларни ғоявий тарбиялашнинг энг муҳим вазифаларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қилдики, Ўзбекистон Компартиясининг Тошкент шаҳар комитети партия XXII съездининг қарорларига амал қилиб, раҳбар ходимларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш соҳасидаги ўз фаолиятини бирмунча яхшилади. Бироқ, бу ишнинг савияси КПСС Программасининг талабларига ҳали ҳам жавоб берарли даражада эмас. Асосий камчилик шундаки, шаҳар ва район партия комитетлари идеология иши доирасини кенгайтириш билан бирга раҳбар кадрларни ғоявий чиниқтириш ва тарбиялаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмаётирлар. Шунинг учун ҳам тарбиявий ишда муайян мақсадга қаратилган ва пухта ўйлаб белгиланган система йўқ. Партия комитетлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, ички резервлардан фойдаланиш, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини жорий қилиш маҳоратини хўжалик ходимларига ҳали ҳам жуда кам ўргатмоқдалар. Кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши яхши йўлга қўйилган эмас.

Тошкент шаҳар партия комитетининг ва район партия комитетларининг ғоявий-сиёсий фаолиятидаги жиддий камчиликларни қуйидаги фактлар кўрсатиб турибди. Ходимларнинг баъзи бир қисми алдамчилик, партия ва давлат интизомини бузиш йўлига тушиб қолмоқда, партиявий принципиалликни йўқотиб қўймоқда, ахлоққа тўғри келмайдиган ножўя ҳаракатларга йўл қўймоқда. Раҳбарларнинг, айниқса хўжалик раҳбарларининг анча қисми идеология ишидан четда турибди, уларнинг баъзилари оммани ишонтириш ва уюштириш методи ўрнига, қўпол маъмуриятчилик методини ишлатмоқдалар, кибрланишга, меҳнаткашларга нисбатан қаттиқ кўнгилликка йўл қўймоқдалар. Шаҳар интеллигенциясининг бир қисми орасида ўтмиш сарқитлари ҳали ҳам кучли, аёлларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш, диний хурофотларга берилиш ҳоллари, миллатчилик кўринишлари рўй бермоқда.

КПСС Марказий Комитети Горький шаҳар партия ташкилотида ҳам раҳбар кадрлар билан ғоявий-тарбиявий иш олиб боришдаги бир қанча камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Раҳбарларни ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари ва омманинг, кишиларнинг тарбиячилари қилиб, коммунизм ишига бениҳоя содиқ ҳамда буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига, ўтмиш сарқитларига муросасизлик руҳида тарбиялаш ва вояга етказишни партия хўжаликнинг, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоқларидаги кадрлар билан ишлашнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

КПСС XXII съездида Н. С. Хрушчев бундай деган эди: **«Турмуш мактаби, амалий фаолият мактаби кадрларни тайёрлашнинг ва сиёсий чиниқтиришнинг энг яхши мактабидир. Ленинча типдаги партия ва давлат арбобининг хислатлари партия йўлини амалга ошириш учун, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилиш учун курашда камолга етади».**

Ҳар бир раҳбарни партия ва давлат интизомини яхши хис қиладиган қилиб тарбиялаш, ўзига топширилган иш участкасида партия ва ҳукумат директиваларини ижро этиш учун масъулиятини ошириш айниқса муҳим. Ҳар бир партия ташкилотида камчиликларни хаспўшлайдиган, жонли ташкилотчилик иши олиб бориш ўрнига хўжакўрсинга ишлаш билан шуғулланадиган ходимларга нисбатан муросасиз бўлиш вазиятини вужудга келтириш лозим.

Марксча-ленинча таълим бериш кадрларни ғоявий чиниқтиришнинг энг муҳим манбаларидан биридир. Шу нарсани назарда тутиш керакки, ғоявий чиниқиш ёдлаб олинган назарий қоидаларнинг маълум мажмуи эмас, балки марксизм-ленинизм назариясининг революцион моҳиятини чуқур ўзлаштириб олишдир, амалий вазифаларни ҳал қилишда марксизм-ленинизмни моҳирлик билан татбиқ қила билишдир. Партия ташкилотлари сиёсий маорифнинг энг таъсирчан формаларидан, айниқса назарий конференциялар ва семинарлардан, партия-совет активи мактабларидан яхшироқ фойдаланишлари, марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганишни кенгайтиришлари, кадрларнинг назарий жиҳатдан ўсишини тинмай контроль қилиб туришлари зарур. КПСС Марказий Комитети иқтисодий билимларни ўргатишнинг муҳимлигига алоҳида эътибор беришга ва бунда, аввало, корхоналар раҳбар ходимларининг алоҳида эътиборини жалб қилади.

Ҳозирги замондаги раҳбар кадрларнинг характерли хусусияти фақат ишлаб чиқаришни чуқур билишдангина иборат бўлмасдан, шу билан бирга одамларни ишонтириш, тарбиялаш ва ташкил этиш, уларга ўз вақтида ёрдамга келиш маҳоратига ҳам эга бўлишдан иборатдир. Ҳар бир раҳбарнинг ленинча услуб билан ишлайдиган бўлиши тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш зарур. **Одамларга илтифотли бўлиш, ленинча принципиаллик, дилкашлик, сезгирлик ва меҳрибонлик ҳар бир ходим учун қонун бўлиб қолиши лозим.** Партия манманликни, гердайишни, оддий ходимларнинг фикрини менсимасликни, қўполликни, меҳнаткашларнинг шикоятлари ва хатларига парвосизлик билан қарашни қатъиян йўқотишни талаб қилади. Меҳнаткашлар раҳбарнинг олдига бемалол келадиган бўлсин.

Омма билан муттасил жонли алоқада бўлиш, меҳнаткашларни ғоявий тарбиялашда мутлақо шахсан қатнашиш, меҳнаткашларнинг йиғилишларида мунтазам равишда сиёсий докладлар қилиб туриш ва суҳбатлар ўтказиш ҳар бир раҳбарнинг бевосита вазифасидир. Раҳбар ўткир масалаларни муҳокама қилишдан ўзини четга олмаслиги, бу масалаларга ҳаққоний жавоб бериши лозим. Одамларни ғоявий тарбиялашдан кимки бош тортса, у партиянинг мукаммал жангчиси бўлолмайди.

Айтган сўзига яраша иш қилиб ибрат бўлаётган, ўзининг шахсий хатти-ҳаракатида, турмушида камтарлик намунасини кўрсатаётган ходимларни омма бениҳоя ҳурматлайди ва қувватлайди. Партия ташкилотлари ҳар бир раҳбарни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида ифодаланган ахлоқ принциплари руҳида тарбиялаш йўлида актив иш олиб боришлари лозим. Партия ва давлат олдида ростгўй ва виждонли бўлиш, кўзбўямачиликка ва алдамчиликка, порахўрликка ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишларга нисбатан муросасиз бўлиш, жамиятимизнинг муқаддас ва дахлсиз негизи бўлган социалистик мулкни бениҳоя ҳурматлаш, муттаҳамларга, текинхўрларга, халқ мулкини ўғирлаётган кишиларга ашаддий нафрат билан қараш чинакам раҳбарнинг энг характерли белгисидир.

Катта ва кичик раҳбарлар аввало ўзлари ишлаб турган бошланғич партия ташкилотларида ва коллективларда камолга етадилар. КПСС Марказий Комитети **бошланғич партия ташкилотларининг раҳбар кадрларни ғоявий тарбиялаш учун масъулиятини оширишни** талаб қилади. Кўпгина бошланғич ташкилотлар ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини оширмаётган, меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган тарбиявий ишда қатнашишдан бош тортаётган, партия аъзосига иснод келтирадиган ножўя ҳаракатларга йўл қўяётган раҳбар коммунистларга ҳали ҳам жиддий таъсир ўтказмаётирлар. Кўп ҳолларда бу масалалар бошланғич партия ташкилотлари четлаб ўтилиб, район ва шаҳар комитетларида муҳокама қилинаётганлигини нормал бир аҳвол деб ҳисоблаб бўлмайди.

Партия ташкилотлари раҳбарларнинг обрўйини сақлашлари ва мустаҳкамлашлари зарур. Лекин бунда шуни эсда тутиш керакки, ходимнинг обрўйи унвони ва мансаби билан белгиланмайди, балки халқ учун қилаётган иши билан, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилиши билан белгиланади.

Одамлар текшириб турилсин ва ишнинг ҳақиқатда ижро этилганлиги текшириб турилсин. Лениннинг мана шу талаби нақадар изчиллик ва сабот билан амалга оширилса, кадрлар шу қадар муваффақиятли тарбияланади ва чиниқтирилади. Танқид ва ўз-ўзини танқидни зўр бериб авж олдириш, коммунистлар ва партиясизлар ходимларнинг камчилик ва хатолари тўғрисида очиқ гапира оладиган бўлишлари учун бутун шарт-шароитни вужудга келтириш зарур.

КПСС XXII съездининг қарорларини амалга ошириш учун курашда раҳбар кадрларнинг роли катта. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология фаолиятини янада кучайтириш, хўжалик ва маданий қурилишга қилинаётган раҳбарликнинг даражаси, коммунистик қурилишнинг барча фронтларидаги муваффақиятларимиз раҳбар кадрлар билан олиб бориладиган ишга, бу кадрларни тўғри танлашга ва моҳирлик билан тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

«ПРАВДА»нинг 17 майдаги бош мақоласи.



Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда механизаторлар ўртасида ғўзани сифатли парвариш қилиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада Маҳмуджон Эргашев пешқадамликни эгаллаб келмоқда. У мавсумда 1.100 гектар майдондаги ғўзани парвариш қилиш мажбуриятини олган. Суратда: механизатор Маҳмуджон Эргашев.

С. Безносов фотоси.

ИККИНЧИ ПАРВАРИШ ТУГАЛЛАНДИ

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги Герман Титов номли совхознинг Инобат Охунова бошлиқ бригадасида ғўза парвариши тобора қизғин тус олмоқда. Бригада 147 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун курашиб, барча майдондаги ғўзаларни иккинчи парваришдан чиқардилар.

Бригадада ғўзани яганалаш ҳам тугалланай деб қолди.

Т. АБДУЛЛАЕВ.

ҚОЛОҚ УЧАСТКАЛАРГА

Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхози партия комитети ҳисобидаги кўпчилик коммунистлар ўз ихтиёрлари билан қолоқ участкаларга ўтиб ишламоқда. Ташаббускор коммунистлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Абдуллаев, О. Ғозиев, К. Тошматов, С. Расулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ғўзанинг иккинчи парваришини бошлаб юбордилар.

М. ТУРСУНОВ.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. Ф. КЕННЕДИГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Америка Қўшма Штатларининг президенти Жон Ф. Кеннеди жаноб олийларига

ВАШИНГТОН

Ҳурматли жаноб президент,

Космонавт Г. Купернинг «Фейт-7» космик кемасида муваффақиятли парвоз қилиб, Коинот бўшлиқларини тадқиқ қилишга янги ҳисса қўшганлиги муносабати билан бизларнинг самимий табрикларимизни қабул қилгайсиз.

Совет кишилари америкалик довюрак космонавт Гордон Куперга ўз табрикларини ва энг яхши истакларини йўллайдилар.

Н. ХРУШЧЕВ.

Москва, Кремль.
1963 йил, 17 май.

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Хўжаобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» колхозининг Ўринбой Холдоров бошлиқ бригадаси аъзолари 67 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берган эдилар. Сўзи билан иши бир бу азаматлар ҳозирги кунларда ғўзанинг иккинчи парваришини бошлаб юбордилар.

Механизатор Эргаш Ҳайдаров ҳар куни 8-10 гектар майдондаги ғўзани культивация қилмоқда.

З. АЗАМАТОВ.

ТАБИАТДАН ХАЙР-ЭҲСОН КУТМАЙМИЗ

Колхозимиз пахтакорлари ўтган йили гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарган эдилар. Бу йил 735 гектар майдоннинг ҳар гектаридан севикли мамлакатимизга 40 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганмиз.

Ваъдага вафо қилиш учун эрта баҳордан астойдил курашмоқдамиз. Колхозда чигит қулай муддатларда экилди ва бир текис ундириб олинди.

Ёш ниҳоллар ердан энди бош кўтарганида кучли ёмғир ёғди, қатқалоқ пайдо бўлди. Хоразмлик деҳқонлар сел оқибатини тугатиш, қатқалоқнинг олдини олиб, ҳамма жойда ғўзанинг бир текис ўсишини таъминлаш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Қатқалоққа қарши курашда барча трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланилмоқда. Зарур бўлган майдонларда чигит қайта экилиб ундириб олинмоқда.

Биз агрономлар ва деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, ҳар бир участкани кўздан кечириб чиқдик. Ғўзанинг тез авж олиши учун нима қилиш кераклигини белгилаб олдик. Қатқалоқни юмшатиш учун 6 та ротацион мотига тракторларга тиркалди, ерни юмшатишда отулов кучларидан ҳам фойдаланилмоқда. Жуманиёз Хабиев, Қутлимурод Эшжонов сингари механизаторлар қатқалоқни юмшатишда айниқса яхши ишлашди. Натижада чигитнинг хатосиз униб чиқиши ва ёш ниҳолларнинг нормал ривожланиши учун қулай шароит вужудга келтирилди.

Колхозимизнинг 5, 6 ва бошқа бригадаларининг аъзолари ҳам экишни муваффақиятли тамомлаб, ҳозир ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Илғор бригадалар ғўзани ёшлигидан культивация қилиш билан бир маҳалда озиқлантирмоқдалар.

Областимиз пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йилида мамлакатга камида 300 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Биз сўзимизнинг устидан чиқиш учун қудратли техниканинг кучидан тўла фойдаланамиз.

Совет деҳқонлари об-ҳавонинг қовоғига қараб иш тутмайдилар, табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтирмайдилар балки уни ўз иродаларига бўйсундирадилар. Биз ҳар қандай шароитда ҳам социалистик мажбуриятмизнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш учун курашамиз.

Т. ДАВЛАТОВ.

Шовот ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхоз раиси.

ҲАР ҚУТИДАН 100 КИЛОГРАММ

ШЕРОБОД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган «Янгиобод» совхозининг ишчилари давлатга пилла сотиш планини 147 процент адо этдилар. Улар давлатга яна 200 килограммдан кўпроқ пилла сотиш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Совхознинг илғор пиллачиларидан Бодом Сатторова, Тиниқ Холиқова, Нозик Пардаева ўртоқлар ҳар қути қурт уруғидан 80-100 килограммдан пилла топширдилар.

2 МИЛЛИОН 400 МИНГ ДОНА

КОСОН, («Қизил Узбекистон» мухбири). Район чорвадорлари давлатга тухум сотиш йиллик планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 2 миллион 400 минг дона тухум сотилди.

РЕКОРД ҲОСИЛ

УЧКУПРИК. Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхознинг моҳир пиллачиси Ҳадяхон Мадаминова бир қути қуртдан пландаги 47 ўрнига 116,5 килограмм пилла олди. Бу — районда рекорд ҳосил.

Р. ҲАМДАМОВ,
«Қизил Узбекистон»нинг штатсиз мухбири.

КОМБАЙНЛАР ТАХТ

Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз ғаллакорлари ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар 6400 гектар майдондаги ғаллани 12 комбайн билан қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишни кўзда тутганлар. Барча комбайнлар ғалла ўрим-йиғимига тахт қилиб қўйилди.

А. РАҲИМОВ.

ТАСС АХБОРОТИ

„МАРС-1“ ПАРВОЗДА

Ернинг оғир сунъий йўлдошидан 1962 йил 1 ноябрда учирилган планетаараро «Марс-1» автоматик станцияси учишни давом эттирмоқда. 17 майга қадар станция Ердан 195 миллион километр узоқлашди ва Марс планетасидан 11 миллион километр масофада учиб бормоқда. Ўтган вақт ичида «Марс-1» станцияси Қуёшга нисбатан ўз ҳаракатида 450 миллион километрдан кўпроқ масофани босиб ўтди.

Ердан 106 миллион километр масофада учиб бораётган планетаараро станция билан 21 мартда навбатдаги радиоалоқа сеанси ўтказилганлиги илгари хабар бериб ўтилган эди. Олинган телеметрик ахборотни дастлабки ишлаб чиқиш шуни кўрсатдики, станциянинг аппаратлари нормал ишлаб турибди. Унинг герметик берк бўлимида аппаратларнинг ишлаши учун зарур шароит сақланиб турибди. Температура — Цельсий термометри билан 20-30 градус чамаси иссиқ, босими — симоб устунининг 850 миллиметр чамасига тенг. Передатчиклар чиқараётган радиосигналларнинг қуввати ва қабул аппаратларининг сезгирлиги белгиланган даражада турибди. Энергия билан таъминлаш системаси тўхтовсиз ишлаб, станциядаги аппаратларнинг ҳаммасини электр энергияси билан таъминлаб турибди. Шу билан бирга, телеметрик ахборотни анализ қилиш шуни кўрсатдики, «Марс-1» станциясининг ориентация системаси тузук ишламай қолган, натижада кемадаги антенналарнинг Ерга томон бурилиши бузилган; бунинг натижасида кейинги сеанслар вақтида станция билан радиоалоқа қилиш мумкин бўлмай қолган. Ҳозирги вақтда планетааро станция билан радио алоқани тиклаш учун уриниш давом этмоқда.

Планетааро «Марс-1» станциясининг ёрдами билан ўтказилган тадқиқотлар бир қанча муҳим техникавий проблемаларни ҳал этишга ва қимматли экспериментал материал олишга имкон берди.

106 миллион километр масофада учиб бораётган планетааро станция билан биринчи марта икки томонлама радиоалоқа боғлашга муваффақ бўлинди. Станцияга қадар бўлган масофа шу қадар узоқки, Ердан радиосигнал юбориш билан станциядан шу сигналга жавоб олгунча орада 12 минут чамаси вақт ўтди.

Станция билан 61 марта радиоалоқа сеанси ўтказилди, шу сеанслар вақтида станцияга 3000 дан кўпроқ радиокоманда юборилди. Радиолиния қандай ишлаганлигини анализ қилиш бу линияларнинг энергетикаси ҳисоблаб қўйилган миқдорга мувофиқ эканлигини ва 300 миллион километрдан кўпроқ масофада мустаҳкам радиоалоқа қилишни таъминламоқ учун етарли эканлигини кўрсатди. Радиолиния орқали алоқа қилмоқ учун фойдаланилган асосий техника воситаларининг: модуляция ва кодларни белгилаш, сигналларни топиш ва аниқлаш, станция ҳаракатининг параметрларини ўлчаш методлари тўғри ва самарали эканлиги исботланди.

Станциядаги аппаратларни электр энергия билан таъминлаш системаси текшириб кўрилди ва синовдан ўтди. Қуёш батареялари буфер аккумуляторлари билан бирга муттасил ишлаб турди.

Космос ичкарисидаги бўшлиқ шароитида, космик радиация бўлиб турган ҳолатда, муаллақлик шароитида ҳамда, жумладан, Қуёш нурининг тезлиги ўзгариб турганлиги сабабли вужудга келаётган мураккаб температура режими шароитида (Қуёшга қадар бўлган масофа кўпайиб борганлиги натижасида учиш вақтида Қуёш нурларининг миқдори уч баравар камаяди) станциядаги техника воситаларининг бутун комплексини тўхтовсиз ишлатиш масалалари муваффақиятли ҳал қилинди.

Планетааро автоматик станциядаги аппаратлар ва системаларнинг иши тўғрисида олинган экспериментал маълумотлар Қуёш атрофидаги космик фазони тадқиқ қилишни ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганишни янада давом эттирмоқ учун катта аҳамиятга эга.

Планетааро «Марс-1» автоматик станциясининг учиши Ер ва Марс орбиталари ўртасида космик кема учиб бораётган йўлдаги космик фазо районларининг физик хоссалари тўғрисида янги маълумотлар олишга имкон берди.

«Марс-1» станциясининг Ер яқинидаги ҳаракат траекторияси Ойга томон юборилган биринчи совет космик ракеталарининг учиш траекториясидан ва «Венера-1» станциясининг траекториясидан фарқ қилди. Совет космик ракеталарининг ва «Венера-1» станциясининг траекториялари Ернинг ички радиация доирасидан сиртда, ташқи радиация доирасини кесиб, унчалик катта бўлмаган геомагнит кенгликларида ўтган эди. «Марс-1» станцияси Ернинг ички радиация доирасини кесиб ўтиб, сўнгра катта магнит кенгликларида ташқи радиация доирасидан ўтиб кетди.

«Марс-1» станцияси Ернинг ҳозирги вақтда маълум бўлган учта радиация доираларидан ўтаётган вақтида бу доираларнинг чегаралари анча ўзгарганлиги қайд қилинди. Ички радиация доирасининг интенсивлиги ғоят кўпайган район Ернинг учинчи совет сунъий йўлдоши 1958 йилда учирилган вақтда ўлчаб аниқланганлигига нисбатан Ердан хийла олисроқ эканлиги маълум бўлди.

«Марс-1» станциясидаги асбоблар космик нурларни Ердан анча олисликда қайд қилди. Ер атрофидаги космик фазода ва планетааро фазода космик нурларнинг интенсивлиги 1959 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайганлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар Қуёш активлиги циклининг ўзгарганлиги натижасида рўй берган бўлса керак.

Планетааро плазмани ва Қуёш плазмасини ўрганишга доир муҳим натижалар қўлга киритилди. Маълумки, Ер атрофида 10-20 минг километргача масофага чўзилган ионлашган газ қатламлари борлиги биринчи совет космик ракеталари учирилган вақтда аниқланган эди. «Марс-1» станциясида ўтказилган тажрибалар бу натижани яна бир марта исботлади. Шу тажрибалар натижасида зарядланган заррачалардан иборат бўлган ва совет олимлари 1959 йилда кашф қилган ташқи доиранинг чегараси геомагнит майдонининг куч линиялари бўйлаб ўтганлиги аниқланди. Доиранинг марказида энергияси 50 электроновольтдан кўпроқ бўлган электронлар оқимининг тиғизлигини ўлчаш натижасида бу тиғизлик ҳар бир квадрат-сантиметрдан кейин секундига 200-400 миллион электронга тенг эканлиги маълум бўлди. Зарядланган заррачаларнинг ташқи доираси кашф қилинганидан сўнг уч йил ўтгач «Марс-1» станцияси ёрдами билан ўтказилган кузатишлар бу доиранинг чегаралари гарчи ўзгариб турса ҳам, лекин унинг ўзи етарли даражада барқарор эканлигини кўрсатади. Зарядланган зарраларнинг ташқи доираси Ернинг ионлашган газ қатламларини кесиб ўтган районни кузатишга биринчи марта муваффақ бўлинди.

Планетааро фазода Қуёшдан келаётган (кейинги вақтларда кўпинча «қуёш шамоли» деб аталаётган) ионлашган газ оқимлари қайд қилинди. Бу оқимларнинг миқдори ўзгариб турганлиги маълум бўлди.

Космик фазодаги магнит майдонининг кучланиши тўғрисида маълумотлар олинди. Магнит майдони кучланишининг ўлчанган миқдори кўп ҳолларда 3-4 гаммага тенг бўлиб чиқди. Бир қанча ҳолларда 6-9 гамма миқдорида кучланишга эга бўлган магнит майдонига дуч келинганлиги қайд қилинди. (Ер юзасида қутблар районида магнит майдонининг кучланиши 60 минг гаммага тенг).

Ер орбитасидан ташқарида космосда метеор моддаларнинг тақсимланиши тўғрисида мароқли маълумотлар олинди. Ердан 6000-40000 километр масофада «Марс-1» станцияси Таурид метеор оқимини кесиб ўтди. Бу оқимда метеор заррачаларнинг зарблари қайд қилинганида ҳар икки минутда тахминан бир зарба бўлиб турганлиги аниқланди. Сўнгра, Ердан 20-40 миллион километр масофада «Марс-1» станцияси яна метеор моддалар оқимини кесиб ўтди, бу оқимни Ердан шу вақтгача кузатилган метеор оқимларнинг биронтасига ҳам ҳозирча ўхшатиб бўлмайди. Эҳтимол, бу метеор оқими шу вақтгача маълум бўлмаган бўлса керак. Шу оқимдаги метеор моддаларнинг тиғизлиги Таурид оқимидаги тиғизликка тенг дейиш мумкин.

Олинган натижаларнинг ҳаммаси космик фазони ўрганишга қўшилган катта ҳиссадир. Планетааро «Марс-1» станциясидан олинган жуда катта илмий маълумотларни ўрганиш давом этмоқда.

ФИДЕЛЬ КАСТРО МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МОСКВА, 17 май. (ТАСС). Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикасининг Бош Министри Фидель Кастро Рус ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқи бўйлаб катта сафардан бугун туш вақтида Москвага қайтиб келдилар.

Внуково аэродромида кубалик дўстларни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ҳамда бошқа совет партия ва давлат арбоблари, шунингдек Кубанинг СССРдаги элчихонасининг дипломатик состави кутиб олди.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасида асосий ишлар ҳозирги замон машина ва механизмлари зиммасига юкланган. Бир киши бир неча дастгоҳни бараварига бошқараверади. Суратда корхонанинг тўқув цехида Дилбар Одиловани иш устида кўриб турибсиз. Ўртоқ Одилова машина ва механизмлар қувватидан тўғри фойдаланиб, смена нормасини 120 процент адо этмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳукуматимиз бошлиғи ўртоқ Никита Сергеевич Хрущевнинг РСФСР саноат ва қурилиш ходимлари кенгашида сўзлаган нутқида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга имкон беради.

Саноат корхоналарини ихтисослаштириш тўғрисида айтилган

ЎРТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА

<> <>

гаплар айниқса диққатга сазовордир. Зотан, ихтисослаштириш экономикани ривожлантиришда катта истиқболлар очиб беради.

— Ҳар бир завод универсал корхона бўлиб, унинг ўз қуюв цехи, ўз термик ва инструментал цехлари бор—ҳамма нарса «ўзиники!» Ахир, шундай бўлиши тўғрими?— албатта тўғри эмас,— деди ўртоқ Хрущев. Дарҳақиқат, айни бир хилдаги маҳсулот жуда кўп корхоналарда ҳоли-қудрат ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг таннархи бир корхонада арзонга тушаётган бўлса, бошқасида қимматга тушмоқда, ҳатто икки баравар ортиб кетяпти. Чунки заводларнинг техника-ускуналар билан таъминланиш даражаси, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш соҳасида тўплаган тажрибаси бир хилда эмас.

Бундай аҳволни Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда ҳам кўриш мумкин. Масалан, бир хилдаги газ баллонлари Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги тўрт корхонада параллель ишлаб чиқариларди. Шунингдек, борона тайёрлаш билан уч завод, мих ясаш билан ўн бир корхона ва металл кроватлар ишлаб чиқариш билан тўққиз корхона шуғулланарди.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши коллегияси бундай аҳвол мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган саноатимиз учун номуносиб, деб ҳисоблади. **Яқинда машинасозлик саноатини ихтисослаштиришга қаратилган анча мукаммал программа ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишга киришилди.**

Трактор культиваторлари иқтисодий райондаги уч корхона — «Чирчиқсельмаш», Тожикистондаги Нов ремонт-механика ва «Туркманистон 20 йиллиги» заводларида ишлаб чиқарилар эди. Ҳозир эса культиваторлар тайёрлаш ҳар жиҳатдан мақбул бўлган «Чирчиқсельмаш» заводига юкланди. Бу корхонада ҳамма ишларни механизациялаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Нов ремонт-механика заводи эса бундан буён борона тайёрлайди. Бошқа кўп хил маҳсулотлар билан бирга борона ҳам ишлаб чиқариб келган «Ашхабаднефтемаш» ва «Ташгазоаппарат» заводлари бу заказдан ҳоли бўлдилар. Газ плиталарини эса фақат Душанба шаҳридаги «Торгмаш» заводи ишлаб чиқармоқда. Газ плиталари ишлаб чиқараётган «Ташгазоаппарат» заводи сув иситиш колонкалари тайёрлашга мослаштирилади.

Корхоналарни ихтисослаштириш анчайин иш эмас. Шунинг учун кўп йиллик бой тажрибага суяниш, узоқни кўзлаб иш тутиш даркор. Ўрта Осиё иқтисодий районидаги айрим машинасозлик корхоналарида ихтисослаштириш соҳасида анчагина тажриба тўпланган. Жумладан, **Тошкент экскаватор заводида резецлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида ташкил этилган махсус цехнинг дастлабки иш якунлари ихтисослаштириш жуда оқилона тадбир эканлигини кўрсатмоқда. Шу йилнинг уч ойи ичида ихтисослаштирилган цех машинасозлик корхоналарига 70 мингта резец етказиб берди. Муҳими шундаки, бу резецлар инструментал цехларда тайёрланганига қараганда икки баравар арзонга тушди. Цехнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. У лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлагач, йилига бир миллион резец тайёрлаб беради.** Бу эса бутун Ўрта Осиё иқтисодий районидаги машинасозлик корхоналари эҳтиёжини қоплаш учун етарлидир.

«Узбекхлопкомаш» заводида редукторлар тайёрлашга мослаштирилган махсус участканинг иш натижалари ҳам қувончлидир. Бир йил мобайнида редукторлар ишлаб чиқариш уч баравар кўпайди. Бундай даражага жуда оз капитал маблағ сарфлаб эришилганлиги диққатга сазовордир.

Ҳозиргача бир неча заводда тайёрланиб келинган 20 хил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни марказлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. **Ишлаб турган корхоналар базасида 20 та ихтисослаштирилган махсус заводлар ташкил этилади. 1963—1965 йиллар учун тузиб чиқилган ихтисослаштириш программасини амалга ошириш фақат машинасозлик саноатининг ўзида меҳнат унумдорлигини қўшимча 17 процент оширишга ёрдам беради.**

Ихтисослаштиришнинг афзаллиги ана шундай. Кам сонли корхоналарда оз маблағ сарфлаб, соз маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат прогрессив усул саноатимизнинг бошқа тармоқларида ҳам кенг ёйилиши зарур. Ихтисослаштириш — саноатни ривожлантиришнинг асосий звеноларидан биридир.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

КАДРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН МАҲКАМ БОҒЛАНГАНДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Қишлоқда партия раҳбарлиги янги органларининг тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Табиийки, бундай қисқа давр ичида қилинган ишлар ва тўпланаётган тажриба ҳақида гапиришга ҳали вақт эрта. Шундай бўлса-да, халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларида белгилаб берилган янги структураси ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

Шу йил январь ойи бошларида собиқ Термиз ва Ангор районлари базасида Термиз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ташкил топган эди. Комитет раҳбарлигига жонкуяр, ташкилотчи ва тажрибали ходимлар сайланди. Партия комитети аппаратидаги 18 масъул ходимдан 10 киши олий маълумотга, қолганлари тўлиқсиз олий ва махсус ўрта маълумотга эга. Улардан 6 киши олий маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахассисларидир.

Ишлаб чиқариш бошқармасида 9 пахтакор, 2 шоликор колхоз, 1 пахтакор совхоз бор. Бу хўжаликларнинг ҳаммасида устьлабинскликлар чақириғи ва янгийўллик пахтакорлар ташаббуси кенг муҳокама этилди. Барча имконият ва резервлар ҳисобга олиниб, конкрет мажбуриятлар қабул қилинди. Етти йилликнинг бешинчи йилида бошқарма меҳнаткашлари она-Ватанга 40 минг тоннага яқин ингичка толали пахта, 2500 тонна гўшт, 3.800 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилдилар.

Шу кунларда партия комитетининг бутун фаолияти олинган юксак мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига қаратилган.

— Халқимизда: «Яхши бошланган иш самара беради» деган нақл бор,— дейди бошқарма партия комитетининг секретари В. Қосимов, — энг муҳими шундаки, партком собиқ райкомлар фаолиятида юз бериб келган қолоқ иш услубидан воз кечмоғи, уларнинг хатоларини такрорламаслиги керак. Дабдабабозлик, буйруқ бериш, маъмуриятчилик, жонли ишни мажлисбозликка, сводкабозликка айлантириб юбориш каби нотўғри раҳбарлик методидан мутлақо қутилиш керак. Парткомнинг иши ўтказилган йиғилишлар ва қабул қилинган қарорлар сони билан эмас, балки колхоз ва совхозлардаги ҳақиқий аҳвол билан ўлчанади.

— Партия комитети амалий ишда сансалорликка йўл қўймаяпти, —дейди ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Комилов.— Партком бошқармани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ҳақиқий штабга айлантиришда ёрдам беряпти, мутахассисларнинг ролини кўтаришда ва уларнинг маслаҳатларини амалга оширишда кўмаклашяпти.

Биз Жданов номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Олтиев билан суҳбатлашдик. У партия раҳбарлик органларининг янги структураси ҳақида гапириб, шундай деди:

— Партия комитетининг инструкторлари ва ташкилотчи инспекторлари жойлардаги амалий ишлар билан конкрет шуғулланмоқдалар, улар партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари билан қўшиб олиб бормоқдалар.

Ташкилотчи инспекторлардан агроном Р. Эшимов ва зоотехник Г. Бондаренко ўртоқларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Улар бошқармадаги Калинин номли ва Ленин номли колхозларда чорвачилик ва дала ишларидаги қолоқлик сабабларини чуқур ўргандилар. Шу нарса маълум бўлдики, ҳар иккала колхозда ҳам далада ишлаётган тракторчилар учун ҳеч кандай шароит ва қулайлик туғдирилмаган. Калинин номли қишлоқ хўжалик артелида «ДКУ» аппарати бўла туриб, дағал хашак молларга майдаланмай берилаётганлиги, кормушкаларнинг йўқлиги, ем-хашак ва концентрат озуқалар айрим кишилар томонидан талон-торож қилинаётганлиги аниқланди.

Ташкилотчи-инспекторлар бу жиддий хато ва камчиликларни шу жойнинг ўзида тузатиш тадбирларини белгилаб чиқдилар. Улар колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантирдилар. Сўнгра бу иккала колхозда чорвачилик ва деҳқончилик ишларидаги аҳволни яхшилашга қаратилган ўз амалий таклифларини ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг бюросига ҳавола қилдилар. Партком бюроси бу муҳим таклифларни хўжаликларнинг партия ташкилотлари секретарлари ва мутахассислар иштирокида кенг муҳокама қилиб, камчиликларни тузатишга қаратилган қарор қабул қилди.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳозирги пайтда ташкилотчи инспекторлар шу қарорнинг ижроси юзасидан иш олиб бормоқдалар. Улар колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари билан биргаликда кадрлар танлаш — бригада бошлиқлари, ферма мудирлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва механизаторларни жой-жойига қўйишда анча ишлар қилдилар. Натижада ҳар иккала колхозда ҳам ишлар юришиб кетди. Чорвачиликда жиддий силжиш юз берди, бу хўжаликлар энг олдинги ўринларга чиқиб олди.

Шунингдек, парткомнинг «Намуна», Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозларидаги ташкилотчи инспектори агроном-механизатор ўртоқ М. Данилянц кўтариб чиқаётган янгилик ва ташаббуслар ҳам хўжаликларда ишлаб чиқаришни юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини кўтаришга ёрдам беряпти.

Термиз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети, ишдаги айрим камчилик ва нуқсонлардан қатъи назар, ўзининг бутун фаолиятини КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари ва янги талаблар даражасида олиб бормоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА

ПАХТАКОРЛАР ЎҚИШДА

Сирдарё область, Киров район ишлаб чиқариш бошқармаси ташаббуси билан «Красная звезда» совхозида бригада ва звено бошлиқларининг қисқа курси ташкил қилинди. Курс машғулотларида пахтачилик соҳасида бир қанча лекция ва суҳбатлар ўтказилади.

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

«Махтали» совхози маккажўхорикорлари 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 500 центнердан кўкпоя ва 50 центнердан дон олишга аҳд қилганлар.

Маккажўхори яхши ўсиб, яшил квадратлар ҳосил қилмоқда.

СОВХОЗДА ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ

«Пахтаорол» совхозида механизациялаштирилган ҳисоблаш станцияси ишга туширилди. Бу станциянинг Табулятор — сортга ажратувчи, перфоратор суммировка факторловчи аппаратлари бор.

Ҳисоблаш станциялари бухгалтерия ишларини осонлаштирди, бунинг ҳисобига 2 киши бошқа ишга кўчирилади.

Д. МАДИЁРОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИДА

ПРОЖЕКТОРЛАР ПОРЛАГАНДА

Кўзлар тун қоронғилигига, қулоқлар эса жимликка ҳали кўникканича ҳам йўқ эдики, прожекторларнинг нури чўл бағрини кесиб ўтиб, қурилиш объектини ёритиб юборди. Қурилишда тунги смена иш бошлади. Бульдозер ва экскаваторларнинг бир маромдаги ҳайқириғи атроф-теваракни ларзага солди. Электр пайвандлаш асбоблари остидан чиқаётган зангори нур кўзни қамаштирарди...

Прораб Б. Рудаковский отрядининг экскаваторчиси В. Кабилдин, слесарь Ю. Шереметьев, бетончилардан А. Раҳматов, Б. Худойбердиев ўртоқлар бу ерда жон куйдириб меҳнат қилмоқдалар. Улар забардаст меҳнатлари билан Қоракўл насос станцияси қурилишини муддатидан илгари тамомлаш учун олиб борилаётган шарафли ишга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Қурувчилар Аму — Қоракўл каналининг бу сўнгги объектида сувни қабул қилиб оладиган ҳовуз ва сув тарқаладиган каналларни бетонлаш ишларини тугаллаш арафасидалар. Насос станциясида трубопровод ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш ишлари ҳам тугалланай деб қолди.

Олот насос станциясининг қурувчилари эса бошқариш шчитларини монтажлаб бўлдилар. Яқин кунларда бу ерга Навоий ГРЭСидан ток олинади. Ҳозир юқори вольтли электр узатиш линияси тортиш ва электр энергиясини тақсимлайдиган Қоракўл ва Олот подстанциялари қурилиши ҳам битай деб қолди.

Аму — Бухоро канали қурувчилари даврасида ҳам иш қизғин. Улар Қизилқум қўйнига дадил кириб бормоқдалар. Канал трассасининг ҳамма участкаларида меҳнат авжида. Шу кунларда қурувчилар бу улкан қурилишнинг 23-километрида иш олиб бормоқдалар. Трассанинг Эшанчи массивида ишлаётган ўртоқ В. Санкин бошлиқ экскаваторчилар отряди — мусобақа ғолиби. Отряд коллективи қисқа муддатда 3 километр узунликдаги каналии қазиб битказди. Экскаваторчилардан А. Зюзин, В. Журавлев ўртоқлар меҳнатда ўрнак кўрсатиб, смена топшириқларини 140-150 процент адо этаётирлар.

Қурилишнинг муҳим объекти— Ҳамза насос станциясининг ҳовузини қазиш ишлари ҳам кучайтириб юборилди. Ҳозиргача 33 минг кубометрга яқин тупроқ ишлари бажарилди. Бу йирик гидротехника иншоотини барпо этишда бульдозерчилардан Ҳ. Оққиев, И. Пяткин ва И. Гусалов ўртоқлар ғайрат ва шижоатлари билан касбдошларига ибрат кўрсатмоқдалар. Ўртоқ Носов бошлиқ портлатувчилар отряди бульдозерчиларга ёрдамга келиб, қаттиқ жинсли қатламларни портлатиб турибди.

Жанубий Қизилқум бағрида — улкан иншоотнинг ҳамма участкаларида кечаси-ю, кундузи қурилиш ишлари тинимсиз олиб борилмоқда. Вақти келиб бу ерларда шўх Амунинг ҳаётбахш суви текис ва равон оқади, чўлга оби-ҳаёт олиб келади.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ХИМИЯ МЎЪЖИЗАЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

ЮРАК ТИНЧИМАЙДИ

Инсон ҳаётга пардоз беради, уни гўзал ва сермазмун қилади. Янгилик яратувчи ва ажойиб нарсаларни кашф этувчи кишиларни ҳамма иззат-ҳурмат қилади.

Юраги тинчимайдиган, ҳамма вақт ғайратга тўлиб-тошувчи бундай кишилар «Таштекстильмаш» заводида ҳам бор. Улар — рационализаторлар, меҳнатни иложи борича енгиллаштириш, унумдорликни оширишга интиладилар. Яқиндагина тўқимачилик машиналарининг энг муҳим деталлари — поднятник ва крестиклар чўяндан тайёрланар эди. Чўян — қимматбаҳо хом ашё. Бунинг устига, деталь қуйилганидан кейин, уни силлиқлаш, пардозлаш керак. Хуллас шу икки детални тайёрлашнинг ўзи билан 29 станок ва 58 ишчи банд эди.

Корхона рационализаторлари Г. Кисся, Л. Журавский, М. Коган бу масала устида узоқ бош қотирдилар. Ниҳоят поднятник ва крестикларни пластмассадан ишлаш мумкинлиги исботланди. Янги деталь Тошкент тўқимачилик комбинатида синаб кўрилди. Пахтадек енгил, пўлатдек мустаҳкам хом ашёдан ясалган поднятниклар синовдан муваффақиятли ўтди. Шуниси муҳимки, пластмассадан ясалган поднятниклар тез ейилиб кетмайди, узоқ чидайди.

Фақатгина шу икки детални янги хом ашёдан ишлашнинг ўзи 58 ишчини бошқа постга кўчириш имконини беради, 29 станокдан фойдаланишга эҳтиёж қолдирмайди, йилига 95 тонна металл ва 137 норма-соатни тежаб қолиш имконини беради, умумий фойдаси 23 минг сўмни ташкил қилади.

Яна бир мисол: 1956 йилдан 1958 йилгача ўтган давр ичида завод бўйича фақат 4 хил деталь пластмассадан ясалар эди. 1959 йили бу рақам 20 марта ошди. Ўтган йили эса пластмассадан ясаладиган деталлар сони 200 га етди.

Завод инженери Б. Саватюгин бошлиқ рационализаторлар бригадаси деталларни янада енгилроқ ва арзонроқ хом ашё — капрондан ясаш устида узоқ иш олиб бордилар. Прессловчи Т. Раҳимов, мастер Т. Аҳмедов ва А. Улибин, технолог П. Строганов ўртоқлар цилиндр стойкаларининг вкладышлари, шестерня ва бошқа деталларни капрондан ясадилар. Ғалтак шестерняларини металлдан ясалганида 14 та тиш ўйиш ва 5 та валлик станок керак бўларди. Капрон деталлар эса қуйилганидан кейин қайта ишланмайди. Демак ўша станокларни ишлатишга эҳтиёж ҳам қолмайди. Капрон деталларнинг яна бир афзаллиги бор: тўқув машиналари ишлаётган пайтдаги шовқин йўқолади.

Деталларни капрон ва полимерлардан ишлаш 1959—1962 йилларда 88 ишчини бошқа ишга ўтказиш, машина ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнатни 160 минг норма-соатга камайтириш, машинанинг оғирлигини ўртача 173 килограммга енгиллаштириш, 360 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди.

Меҳнатни енгиллаштириш ва унумдорликни ошириш йўлида ғайрат кўрсатиб ишлаётган завод ижодкорлари СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг Биринчи даражали дипломи ва виставка медалини олишди. Булар орасида камтар прессловчи Т. Раҳимов, мастер Т. Аҳмедов, ижодий фикр эгаси — инженер Б. Саватюгин ва бошқалар бор.

Заводда пластмасса ва бошқа полимерлардан фойдаланиш бўйича жамоатчилик асосида ташкил қилинган инженер ва новаторлар бригадаси иш олиб бормоқда.

Бу янгиликлар улкан ишнинг дебочаси, холос. Ишчиларимиз ҳаётимизни янада гуллатиш учун кўп ва самарали ижод қиладилар.

А. КУРТВЕЛИЕВ,
«Таштекстильмаш» заводи рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг бошлиғи.



Республика Фанлар академияси математика институтининг магнит-ионосфера лабораторияси коллективи Ер шарини ўраб турган фазони ўрганиш юзасидан илмий иш олиб бормоқда. Суратда: лаборатория мудири (ўнгдан) М. Т. Анцилевич ва илмий ходим С. А. Тесля вертикаль автоматик радиозондни созлашмоқда.

Б. Мазур фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ВАЪДА ЧИРОҚ ЭМАС-КУ!»

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг 2-участкасига электр ўтказилмаганлигидан колхозчилар радио, кино каби маданий-маиший хизматлардан маҳрум бўлиб қолаётгани шу сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Ражабовнинг редакцияга хабар қилишича, Охунбобоев номли колхоз правлениеси бу участкани тўла электрлаштиришни шу йил охиригача тугаллаш тадбирларини белгилаган.

«ҚЛУБЛАР ХЎЖА ҚЎРСИНГАМИ?»

Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг «Октябрь», «Узбекистон», «Тарахли», «Чинтош» участкаларидаги клублардан тўғри фойдаланилмаётгани шу сарлавҳали мақолада танқид қилинган эди.

Денов ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг хабар қилишича, партия комитети мақола юзасидан текшириш ўтказган, унда келтирилган фактлар тасдиқланган. Текшириш якуни партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган.

«ХУШХЎР СИЛОС ВА ТАРҒИЛ ҚИССАСИ»

«Муросасизлар сигнали» рубрикаси остида босилган шу сарлавҳали материалда Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхозда қўй, қорамол ва чўчқалар ориқлаб, соғин сигирларнинг сути камайиб кетгани танқид қилинган эди.

Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг хабар қилишича, мақола юзасидан колхозда текшириш ўтказилган. Текшириш якуни колхоз бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилинган. Чорвачилик ишларини яхшилашга қаратилган амалий тадбирлар белгиланган.

ЯНГИ КИТОБЛАР

„ШАРҚ УСТИДА НУР“

ЯҚИНДА Москвада «Шарқ устида нур» номли китоб босилиб чиқди. Уни ўзбек қизи — саҳнамизнинг булбули Ҳалима Носирова ёзган. Самимият, жўшқин қалб билан ёзилган бу китобда Совет Шарқининг, жумладан ўзбек хотин-қизларининг Октябрь социалистик революциясига қадар ҳамда совет даврида босиб ўтган мураккаб йўли, Ленин партияси раҳбарлигида қандай қилиб озодликка эришганлиги ҳикоя қилинади.

Ҳалима опа ўзбек хотин-қизларининг ўтмишдаги азоб-уқубатли ҳаётини, тўрт девор ичида зиё кўрмай ҳуқуқсиз яшаган мудҳиш йилларини нафрат билан хотирлайди. Айниқса, онаси Хосият хола — оддий меҳнаткаш аёл тўғрисида ёзилган сатрлар кишини ҳаяжонга солади. «Онам бойларникида оқсочлик қилиб, арзимас ҳақ олар эди, — деб хотирлайди Ҳалима Носирова. — Тинмай меҳнат қилса-да, уни сира хорғин ва умидсиз ҳолда кўрмаганман. У маъсум ва меҳрибон, эпчил аёл эди. Отамнинг сўзини сира қайтармас, буюрганини чурқ этмай бажарарди...» Хосият хола образини биз ўсишда, ривожланишда кўрамиз. У дастлаб тақдирига тан берган ожиз аёл бўлса-да, сўнгра, Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши натижасида юз берган туб ўзгаришлар унга тез таъсир қилади. Коммунистлар, жамоатчи аёллар — Тўрахон ойи, Тожихон Шодиева ва бошқаларнинг ёрдамида жамоат ишларида актив қатнаша бошлайди.

Ҳалима Носирова — санъаткор. Шунинг учун ҳам «Шарқ устида нур» китобида ўзбек халқининг ранг-баранг санъати, хотин-қизларимизнинг санъатга бўлган муҳаббати кенг тасвирланганлиги табиийдир. Автор кўп асрли традицияга эга бўлган ўзбек совет санъатининг шаклланиши ва бунда рус реалистик санъатининг бебаҳо ролини конкрет мисолларда кўрсатиб берган. Биз китобни ўқиганда, ўзбек совет санъатининг тўнғич вакиллари— Ҳамза, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалилов, Уста Ҳалим ва бошқаларнинг жонли образи билан танишамиз. Совет тузумининг дастлабки йилларида ўзбек миллий театрини яратмоқчи бўлганлар ғоят оғир шароитда ишлар эдилар. Бу фақат ижод қийинчилиги бўлмай, ижтимоий кураш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролига феодалларча қарашларга қарши кураш қийинчилиги эди. Дин ва шариат «намоянда»лари учун аёлларнинг саҳнага чиқиши ғайритабиий ҳол эди. Улар ўзбек хотин-қизларидан артист чиқишига тиш-тирноқлари билан қаршилик қилдилар. Қурбонлар берилди. Ажойиб ўзбек қизлари — ўз халқини санъат билан баҳраманд этишга аҳд қилган Турсуной Саидазимова ва Нурхоннинг фожиали ҳалок бўлиши ҳали-ҳали эсимизда. Муҳит ўзбек қизларидан ижод қилиш учун катта жасорат, журъат талаб қилар эди. Лекин Ҳалима опа ва унинг санъаткор дугоналарига ҳеч қандай қийинчиликлар ғов бўла олмади. Улар театрнинг халқ ҳаётига яқин бўлиши, халқ қаҳрамонлигини тараннум этувчи минбар бўлиши йўлида озмунча меҳнат сарфламадилар. Меҳнат зое кетмади. Шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек совет санъатининг шуҳрати жаҳонга таралмоқда.

Ўзбек театри, музикаси ва вокал санъатининг шаклланишига жон-дил билан ҳисса қўшган рус прогрессив санъаткорлари тўғрисида Ҳалима опа ғурурланиб ёзади, юрагидан тахсинлар ўқийди. В. Ф. Комиссаржевская, А. В. Нежданова, Р. М. Глиэр, Н. Н. Миронов, В. А. Успенский кабиларнинг оғаларча ёрдамини мамнуният билан қайд қилади.

Ҳалима Носирова ёзган китобнинг жуда кўп афзалликлари бор. Энг муҳими шуки, у ўзбек аёлларининг ҳозирги нурли турмуши билан ортда қолиб кетган қора ўтмишини таққослайди. Бу эса давримиз фазилатларини, ҳозирги турмушимизнинг улуғ сифатларини яққолроқ кўришга, ўтмишни фақат дарсликлардан биладиган ҳозирги ёш авлодни ўз бахтини қадрлашга ўргатади.

«Шарқ устида нур» китоби — автобиографик асар. Лекин унда тараққиётимизнинг нафаси, жумладан ўзбек совет хотин-қизларининг Ленин тузган Коммунистик партия қуёшидан баҳраманд бўлиб, озод меҳнат ва ижод қилаётганлиги бадиий ифодаланган. «Совет Шарқидаги республикаларда хотин-қизлар нақадар ўсиб кетганлигини қаранг — деган эди Н. С. Хрущев пахтакорларнинг 1958 йилда Кремлда бўлган Бутуниттифоқ Кенгашида сўзлаган нутқида. — Бу ерда ўзбек, туркман, озарбайжон, тожик хотин-қизлари, СССРдаги бошқа халқларнинг вакиллари бўлган хотин-қизлар сўзга чиқди. Уларнинг нутқлари Совет ҳокимиятининг хотин-қизлар тақдирида чуқур ўзгаришлар қилганини кўрсатиб турибди... Эндиликда Совет Шарқи хотин-қизлари ўз тараққиётларида мисли кўрилмаган даражага кўтарилдилар, ҳамма хотин-қизларимиз сингари улар ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб қолдилар».

Шарқ устида нур порламоқда. У ўзбек хотин-қизларига ҳам бахт, ҳурлик келтирган нурдир. Ўзбек қизи Ҳалимахонимнинг юракдан ёзган самимий китобини минглаб кишилар ўқийди.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

НЎХАТ ҲОСИЛИНИ ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАМИЗ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАГИ «УДАРНИК» СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ НЎХАТНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

ЖИЗЗАХ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИДАГИ «УДАРНИК» СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ НЎХАТНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига йилга якун ясаш ҳамда дон етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш тўғрисидаги хатида ҳар бир республика дон етиштиришни кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги кўрсатилган. Ғаллакор «Ударник» совхози коллективи ҳам бу маслаҳатга амал қилмоқда. Краснодар ўлкасидаги Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси ва Тошкент областидаги Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалик ходимларининг 1963 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан иборат ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, совхоз коллективи ғалла майдонларини 30.400 гектарга етказди. Бу — бултургидан 11 минг 400 гектар ортиқдир.

Нўхатнинг кузги ва баҳори навларини экишга биринчи марта катта майдонлар ажратилди. 800 гектардан ортиқроқ майдонга нўхат экилди. Бундан ташқари 300 гектар ерга бошқа қимматли дон дуккакли экин — нут экилди.

«Уладовский-303» навли нўхат 763 гектар майдонга энг яхши агротехника муддатларида: 20 январдан 15 февралгача экилди. Ҳозирги вақтда нўхат гуллаяпти, айрим участкаларда эса дуккак чиқара бошлади.

Нўхат гуллай бошлаган кунларда авиация ёрдами билан экин майдонларининг гектарига 20 килограммдан гексахлоран чангланди. 5-8 май ўртасида экин такрор чангланди. Шундай қилиб, экинлар нўхатнинг хавфли душмани — донхўр (брухас)дан сақлаб қолинди. Январда экилган нўхатнинг бўйи ҳозир 70 сантиметрдан ортиқдир.

Нўхатнинг ноябрь ойида экилган «Восток-55» навидан униб чиққан майсаси ҳам яхши ривожланяпти.

Нўхат кучга тўляпти. Уни йиғиштириб оладиган кунлар яқинлашмоқда. Нўхатни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун ўрим-йиғимни қандай уюштириш керак? Ўримни қачон бошлаш, қандай машина ва мосламалардан фойдаланиш зарур? Нўхатни нима билан ва қандай янчиш керак? Агрономларни, механизаторларни, совхозимизнинг барча меҳнат аҳлини шу масала ҳаяжонлантирмоқда.

Бу масалаларнинг қийинлиги шундаки, нўхат алоҳида биологик хусусиятга эга бўлиб, бу ўсимлик бир вақтда пишиб етилмайди ва кўплаб ётиб қолади. Нўхатнинг дуккаклари пастдан юқорига қараб пишади. Нўхатнинг учидаги дуккаклар пишиб етилганида пастки шохларидаги дуккаклар, айниқса, иссиқ кунда тўкилиб сочилиб кетади. Совхоз коллективи Липецк областидаги «Петровский» совхозининг тажрибасидан фойдаланиб, ўрим-йиғимни нўхатнинг остки шохларидаги дуккаклар сарғайишидан бир неча кун илгари бошлашга қарор қилди. Бу пайтда ўрта шохдаги дуккаклар оқиш ва кўкиш рангда бўлади.

Биз нўхатнинг донини оммавий йиғиштириб олиш бошланишидан 5-7 кун илгари синов мақсадида ўримга тушамиз, ўрилган кўкпояни молга берамиз.

Нўхат дон учун фақат алоҳида-алоҳида қилиб ўрилади.

Ўрилган нўхат ғарамланганида поя тупида тургандагига қараганда тезроқ етилади, шундай қилиб ўриб кетилган нўхат ғарами қуриши билан далаларга «СК-4» ва «СК-3» комбайнлари киритилади. Бу комбайнлар донли экинларни йиғиштириб олиш учун подборщиклар («ПБ») билан жиҳозланган.

Механизаторлар ўриш пайтида нўхатнинг майдаланиб кетишига йўл қўймаслик учун барабанларнинг айланишини камайтиришга ва барабан билан дека орасидаги тирқишни кенгайтиришга, металл тўқмоқларни резина тўқмоқлар билан алмаштиришга аҳд қилдилар. Бу резина тўқмоқлар эски автопокришка ёки тасмалардан тайёрланади. Бу содда ускунани ясаш ҳар бир хўжаликнинг қўлидан келади. Шундай қилинса, дон нобуд бўлмайди.

Янчилган нўхат дони «ОВП-20» маркали юксак унум билан ишлайдиган дон тозалаш машинасидан ўтказилгач, давлатга топширилади. Келгуси йилда экин майдонларининг кенгайтирилиши ҳисобга олиниб, совхознинг уруғлик фонди тўлдирилади. Нўхат янчиб олингандан кейин қолган поя — оқсил моддасига бой хашакнинг бир қисми молларга берилади, лекин асосан ундан силос бостирилади.

Совхоз коллективи лалмикор ерларда, айниқса лалмикор ерлардаги катта майдонларда биринчи марта дон-дуккакли экинлар экиб, йиғиштириб олмоқда. Аммо механизаторларимизнинг баъзи тажрибаларини, илмий тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш бошқармасининг тавсияларини назарда тутиб, коллектив дон-дуккакли экинларни 10-12 кунда йиғиштириб олишга аҳд қилди. Урим-йиғим учун 6 та «ЖБА-2,5» жаткаси ва подборщиклари билан 12 та «СК-8» ва «СК-4» комбайнлари ажратилади. Ҳар бир машина билан кунига 8-10 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Совхознинг энг яхши комбайнчилари ва механиклари Михайленко, Қаршиев, Ғаффоров, Шлейгин, Қодиров, Усмонов, Пардаев, Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар нўхатни қисқа муддатда ва нобуд қилмай йиғиштириб олишга сўз бердилар.

Совхоз партия ва касаба союз ташкилотлари жаткаларни, комбайнларни ва ускуналарни яхшилаб тахт қилиб қўйиш ва уларнинг унумли ишлашини ва ҳосилнинг қисқа муддатда нобуд қилмасдан йиғиштириб олинишини таъминлаш учун ишчилар ўртасида социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Қизил вимпеллар таъсис этилди, бу байроқчалар кунлик иш якунига қараб ҳар бир бўлимнинг илғор агрегатига топширилади. Шунингдек совхоз Кўчма байроғи таъсис этилади, бу байроқ ҳар 3 кунда илғор бўлимга топширилади. Совхоз ишчилари ўртасида яккама-якка социалистик мусобақа шартномалари тузилди. Кўрсаткич тахталари ўрнатилди. Совхоз марказида ҳурмат тахтаси ўрнатилиб, унга дон-дуккакли экинларни йиғиштириб олишда намуна кўрсатган комбайнчиларнинг номи ёзиб борилади.

Вагончалардан дала шийпонлари тайёрланди. Бу вагончаларда плакатлар, шиорлар, газета ва журналлар, нўхатни парвариш қилиш ва йиғиштириб олишга доир махсус китобчалар бўлади.

Тракторчилар ва комбайнчилар учун иссиқ овқат тайёрланади. Дала шийпонларида душ ўрнатилади.

Партия, касаба союз ва комсомол комитетлари ҳар бир агрегатга агитатор бириктиб қўйдилар. Ўрим-йиғим илғорларининг ишларини совхоз радиоузели, деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар орқали кенг ёритиш мўлжалланади.

Коллектив бошоқли ғалла экинларини ўриб олишга ҳам пухта ва қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, йўллар, кўприклар, омборлар, тош-тарозиларнинг ремонти тугалланай деб қолди. Экинни ўтоқ қилиш ҳам тамомланмоқда.

Ғаллакор «Ударник» совхози коллективи республика меҳнаткашларининг етти йилликнинг бешинчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бошлаган курашига муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Генерал Собир Раҳимов номли колхоз далаларида нўхатдан мўл ҳосил етиштирилди. СУРАТДА: колхозчи Азиз ЗИЁЕВ (ўнгда) ва Сайфи ОБИДОВ ўртоқлар янги ҳосилни кўздан кечирмоқдалар. ПАСТДАГИ СУРАТДА: Андижон область, Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхознинг далалари. Колхоз маккажўхорикорлари бу йил 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 1.000 центнердан силосбоп кўкпоя, 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон олишмоқчи. Ҳозир маккажўхори қатор оралари культивация қилинмоқда.

И. Глауберзон ва Л. Мейнерт, фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ШОЛИ ЭКИЛМОҚДА

УРГАНЧ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Хоразм областидаги Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхози шоли етиштиришда Иттифоқимизда машҳурдир. Колхоз аъзолари гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш билан бирга бу йил шолидан ҳам мўл ҳосил олиш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар.

Машъал хўжалик шоликорлари ўтган йили 1.175 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 68 центнердан шоли кўтарган эдилар. Уларнинг бу йилги аҳди ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил етиштиришдир. Колхозчилар ерларни сифатли тайёрлаб, шоли экишни бошлаб юбордилар. Ҳозиргача салкам 500 гектар майдонга уруғ ташланди.

Яқинда бу хўжаликда область шоликорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бу машъал хўжаликнинг машҳур шоликорлари ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар. Шоли кўп меҳнат талаб қилади,—деди колхоз раиси ўртоқ Нам Хин Юн, — сабот билан меҳнат қилибгина мўл ҳосил етиштириш мумкин. Биз шоли экиладиган майдонларни кузда чуқур шудгор қилиб, баҳорда гектар бошига 15-20 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз. Экишдан олдин ерни яхши текислаб, кейин ҳар бир гектарига 250-300 килограммдан уруғ сепилади.

Область шоликорлари 1963 йилда мўл ҳосил етиштириш учун айни шу кунларда қилинадиган муҳим тадбирларни белгилаб олдилар.

ЗАМОНАМИЗ ФАЗИЛАТЛАРИ

(ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР ШЕЪРИГА ОБЗОР)

□ □

Қўлимизда И. Султонов, Ғ. Абдуллаев, Ў. Раҳмонов, Ю. Юнусов, Ж. Ешмуҳамедов, Р. Хўжамберганов, Ф. Файзиев, Ш. Давиров сингари ёш ҳаваскорларнинг шеърлари. Бу шеърларни кўздан кечирганда киши беихтиёр тўлқинланиб кетади. Буларда коммунизм нафаси дудоқларга таралиб турган замонамиз мадҳи, космосни забт этган, дарёларни жиловлаётган, қаҳрамонона меҳнатлари билан қўриқ ва бўз ерларни очиб, Ватанимизни тобора яшнатаётган совет кишиларининг образлари, уларнинг ички кечинмалари, туйғулари ўзига хос овоз билан тараннум қилинади. Ҳ. Ҳатамбоевани турсунойчиларнинг ғалабаси илҳомлантирса, колхозчи Х. Нурнаев ўз шеърида мўл-кўлчилик яратаётганлар меҳнати билан фахрланади. Ж. Муртозаев, О. Эшмуродов, С. Гудушев, О. Матёқубов, П. Омонов, Р. Айтмуродов, Ф. Шамсиддинов, Ш. Нурмуҳамедовларнинг шеърлари ҳозиржавоблик билан ёзилган. Уларда шу куннинг муҳим темалари қаламга олинади. Бу ёш авторлар барча ютуқларимиздан ғоятда қувонишади. Меҳнат зафарларимиз уларнинг қалбига чексиз илҳомлар бағишлайди. Агар чустлик кекса пенсионер Р. Бузрукзода шу фаровон ҳаётдан беҳад мамнунлигини, доҳий Ленинга ва Коммунистик партияга нисбатан чексиз муҳаббатини ўз сатрларида ифодалаган бўлса, бухоролик студент Ш. Олламов ўз шаҳрида доҳийга ҳайкал ўрнатилиши муносабати билан бўлиб ўтган халқ тантанасидан олган қайноқ таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашишга ошиқади.

Катта суръатлар билан одимлаётган халқимиз меҳнатлари Қаландар ота Қурбоний, З. Қўчқоров, М. Раҳимжонов, Б. Эшмуродов каби қаламкашларни янги-янги сатрлар ижод қилишга чорлайди. Ш. Алиев, Н. Қобулов, Қ. Деҳқонов, К. Бекмуродов каби ҳаваскорлар эса кишилар онгидаги эскилик сарқитларига, умуман эски иллатларга қарши кескин курашда сатирадан фойдаланишга, олға қараб ҳаракат қилишимизда ҳалақит бераётган баъзи бир тўсиқларни ҳажв алангасида ёндиришга ҳаракат қиладилар. Улар ўз шеърларида қоғозбозлик билан иш кўраётган бюрократларни, жамоат мол-мулкини талон-торож қилиб, сўнгра қора курсидан жой олган баднафс «олғирхўжаевлар»ни кескин фош қилишга интиладилар. Масалан, Қ. Деҳқонов ўзининг «Бор экан» сарлавҳали шеърида танқидни ёқтирмайдиган, «сиркаси сув кўтармас», лекин гапга «чечан» баъзи бир раҳбарлар ҳақида мана бундай деб ёзади:

«Ким хатодан сўзласа,
Иш барорин кўзласа,
Ортиб тажангликлари,
Шу куни бетоб экан...
Гап деса қоп-қоп экан,
Лекин бари лоп экан.
Кўзларин очмоқ керак,
Асли «Наштар» боп экан».

Б. Болиев, Р. Ҳакимов, И. Рўзиев, С. Омонтоев, М. Абдувалиев, Р. Қудратов, О. Иброҳимов, У. Каримов сингари қаламкашлар ҳам редакциямизга тез-тез шеърлар юбориб туришади. Аммо бу шеърларга баҳо беришдан аввал ҳаммага маълум бўлган бир ҳақиқатни айтиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, поэзия ўз моҳиятига кўра образлар билан, образли фикрлар орқали индивидуал ҳиссиётларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам у чуқур юрак туйғуларидан озиқланади, у халқнинг ҳаёт йўлдоши, меҳнатда мададкори бўлади. Поэзиянинг бирдан-бир вазифаси ҳам халқнинг эстетик дидини оширишдан иборат.

Ёш ҳаваскорларнинг ижодларига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, уларнинг шеърларида талайгина камчиликлар борлиги кўзга ташланади. Кўпчилик ёш қаламкашларнинг ижодларига хос бўлган умумий камчиликлардан бири бу тематик чекланганлик, умумлашма хулосалар чиқара олмаслик, ўз овозларига эга бўлмасликдан иборатдир. Фикримизнинг исботи учун баҳор ҳақида юборилган шеърларга мурожаат этайлик. Жумладан, Х. Оллаёров, Ф. Икромов, Р. Аймуродов, Э. Ёндошев, Р. Баратaлиев, Ё. Йўлдошев, А. Абдураимов, Ш. Қурбоновлар темага қўл урганларида ўз «боғ»ларида ўралашиб, сайроқи қушларга маҳлиё бўлиб қоладилар. Аммо, шу кунги ўлка баҳорининг ўзига хос жозибадорлиги, ўзига хос мазмундорлигига ҳамоҳанг бўладиган лавҳаларни беришга ожизлик қиладилар. Бу ёш қаламкашларнинг шеърий намуналарида коммунизм баҳорига мос тушадиган умумлашма хулосалар чиқариш, ижодий изланиш, янгиликка интилиш сезилмайди. Сўнгра бу шеърларда лирик қаҳрамон, поэзиянинг ўзига хос хусусиятларидан бўлмиш образлилик масалаларига етарлича эътибор берилмайди. Масалан, А. Шарифзода, Е. Ўрмонов, И. Абилов, Э. Ўтанбоев, А. Султонов, М. Мухсинова, Х. Майлиев, Д. Тоштемиров, Х. Оллаёровлар ва бошқаларнинг шеърларида умуман табиатга олқиш ўқилади. Ҳаваскор Р. Назаров мана бундай деб ёзади:

«Навбаҳор келди, яшил бахмал ёпинди тоғлар,
Ранг-баранг гуллар очиб, уйғонди сонсиз боғлар.

Бу оргиналликдан йироқ бўлган мисралар зўрма-зўраки туғилгандир. Бунга ўхшаш мисраларда ўлкамизнинг чинакам гўзаллигини таърифлаб бўлмайди. Аксинча, совет кишиларининг мўъжизакорликлари, табиатни ўзгартувчи улуғвор куч-қудратлари конкрет бадиий образ, пухта деталь ва бадиий юксак лавҳаларда ифодаланиши керак эди. Ана шу муҳим томонлар авторлар эътиборидан бутунлай четда қолиб кетади.

Севги темаси хусусида бахс борганда айрим қаламкашлар тор интим кечинмаларга ўралишиб қоладилар. Ҳатто аруз вазни, классик шоирлар ишлатган қофияларни ўз «ижод»ларига татбиқ этишга шу тариқа тақлидчиликка уринадилар. Бундай тақлидчилик тор, шахсий кечинмалар атрофида ўралишиб қолиш С. Муқимов, Р. Ҳакимов, Э. Утанбоев, Р. Маматқулов, Б. Исроилов, И. Ёдгоров, М. Мирзааҳмедов, Ч. Беқиев каби қаламкашларнинг шеърларида кўпроқ учрайди. Айрим ўртоқлар эса бирор кампания муносабати билан ижод қилиб, ўз шеърларини газета саҳифаларида тезроқ, «вақти ўтиб қолмасдан» бостиришни илтимос қиладилар. Бизнингча, айниқса, ёш ҳаваскорлар учун бу нотўғридир. Чунки шеър бақувват бўлса, у ҳамма вақт юракдан-юракка йўл топа олади. У ҳеч қачон кечикмайди, бир-икки кун ўтиши билан ўз қимматини йўқотмайди. «Кимки шудгор вақтида» (Р. Исмоилов), «Ўтмасин фурсат», «Пахтакорларга» (Э. Қулдошев), «Шер йигит» (Р. Йўлдошев), «Ленин доҳийга» (О. Кўчкинов), «Ленинга атаб» (О. Жабборов), «Муборак» (А. Умрзоқова), «Керак» (Л. Раимбеков), «Хуш келдингиз» (Ҳ. Отақулов) каби шеърларнинг авторларига шуни ҳам айтиш керакки, улар шеърга ишлов бериш жараёнидаги «ғанимат фурсатдан» етарлича фойдаланмаганлар.

Ўқитувчилардан О. Эгамбердиев, Ш. Омонов, Ж. Оллоёровларнинг ижод намуналари эса ўз бадиий-эстетик савиясига кўра анча саёздир. Бу ўртоқлар қўлга қалам олганларида ўз навбатида кимга ва қандай шеър ёзаётганликлари хусусида пухтароқ ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди. Масалан, Ж. Оллаёров ўз шеърини «Амур—Бухоро канали ҳақида баллада» деб атайди. Бунда дарёларнинг номининг фарқига борилмаганидек, (масалан, Аму дарёси қаёқда-ю, Амур дарёси қаёқда, автор бунинг фарқига бормайди) баллада жанри хусусиятлари ҳам автор томонидан инобатга олинмайди. Ҳолбуки, у баллада эмас, эҳтироссиз сўзлар йиғиндисидан таркиб топган ширасиз шеърдир. Автор бошдан-оёқ ваъзхонлик билан шуғулланган, холос. Жанр хусусида гап борганда Н. Қобулов ва Аннамурот сингари авторларнинг шеърий фельетонлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Агар авторлар мавжуд фельетонларни проза тили билан баён қилганларида эҳтимол кузатилган мақсадга эришган бўлардилар.

Биз Ш. Алламов, Ш. Даверов, Б. Содиқов, К. Ўринов, Н. Хўжатов, З. Бадалов, О. Суйсинова, Э. Эшонқулов, Б. Маъмуров, Р. Абдуллаева каби ҳаваскор шоирларга, поэзия ихлосмандларига шеър ёзиш техникасини, сўзларни ўз ўрни ва ўз маъносида ишлата билиш санъатини эгаллашда улуғ санъаткорларимиздан, уларнинг бой ижодий тажрибаларидан пухта ўқиб-ўрганишни тавсия этамиз.

Умуман олганда, ёш ҳаваскорларнинг жуда кўп ижод намуналари шундан далолат берадики, замонамиз, ранг-баранг воқеаларга бой бўлган ҳаётимиз чинакам жўшқин илҳом манбаидир. Шунинг учун ҳам, халқ талантларининг ижодлари ҳар тарафлама равнақ топмоқда. Бу нарса улуғвор замонамизнинг ажойиб фазилатидир.

Акмал ПЎЛАТ.

СУПУРГИ ЖЎХОРИНИНГ УРУҒЛИК УЧАСТКАЛАРИ

САМАРҚАНД, (ЎзТАГ). Шу ердаги қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходимлари «Даҳбед» совхозида супурги жўхорининг уруғлик участкаларини барпо қилмоқдалар. Қимматли силос ва дон берадиган экиннинг уруғлари шу ердан бошқа хўжаликларга тарқатилади.

Самарқанд областидаги ўнта совхоз билан колхоз супурги жўхори уруғлари етиштиришга қарор қилди. Шу мақсадда улар тўрт юз гектар ер ажратди.

ЭГАЛИК ТОВАРЛАР, ЭГАСИЗ ИДОРАЛАР

ХАТЛАР ИЗИДАН

Олмалиқ шаҳридан устма-уст хатлар кела бошлади. Бу хатларда шаҳар меҳнаткашларига савдо хизмати яхши уюштирилмаётгани, магазин ва бошқа савдо точкаларида аҳоли талабига мос буюмлар камлиги, борлари ҳам эҳтиёжни қопламаётгани кўрсатилган. Шунингдек, савдо-сотиқ қоидаси бузилаётгани, айрим камчил товарлар аҳолига ҳали ҳам рўйхат билан сотилаётгани, баъзи ходимларнинг тарозидан, газламанинг метридан уриб қолаётгани, ортиқча нарх қўйиб сотилаётгани танқид қилинади.

Мана, Олмалиқдамиз.

Шаҳар партия комитетидаги ўртоқлар аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан шаҳар Совети катта қарор қабул қилганлиги, бу қарор яхши ижро этилаётгани, қисқа вақт ичида анчагина ишлар қилингани ҳақида гапирдилар.

Шаҳар савдо бўлимининг мудири ўртоқ С. Акбаров билан магазинларни, совет-колхоз бозорларини, ошхона-ресторанларни, сабзавот дўконларини, чойхона, сартарошхона сингари маиший корхоналарни айланиб чиқдик.

Афсуски, савдо тармоқларидаги аҳвол шаҳар партия комитетидаги ўртоқлар айтганидек эмас. Редакцияга шикоят хати ёзган меҳнаткашлар кўп жиҳатдан ҳақ эканликлари кўриниб қолди. Кўпгина магазинларда белгиланган ассортиментдаги товарлар етишмайди, ҳатто, «майда-чуйда» ҳисобланадиган, бошқа жойларда тўлиб-тошиб ётадиган товарларнинг ҳам йўқлиги ажаблантиради. Савдо муассасаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди, сабзавот дўконлари, совет-колхоз бозорларида тузланган сабзавотдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Наҳотки, Ўзбекистонда яшаб туриб, аҳоли кўкпиёз, редиска ва бошқа эрта пишар резаворлардан баҳраманд бўлолмаса!

Магазинларда ҳатто майда мих, ўроқ, теша, чалғи, нина, пичоқ, қайчи, лампочка сингари хўжалик учун зарур нарсалар топилмайди. И. Султонов мудирлик қилаётган 40-магазинга неча ўн харидор келиб, шнур, бўёқ, кетмон сопи, қошиқ, чойнак, вилка сўради. Афсуски уларнинг ҳаммаси «йўқ» деган жавоб олишди. Бунинг устига магазиннинг торлигини айтмайсизми. Магазин аслида уй учун қурилган икки хонали бинога жойлашган. Унга базўр 5-6 харидор сиғади.

Шунинг ёнгинасидаги китоб магазинида ҳам китобхонлар сўраган адабиётлар топилмайди. «База юбормаса нима қилайлик» дейди мудир ўртоқ Жукова бамайлихотир. Биз чиқиб кетгунча ўндан ортиқ ўқувчи кириб, дафтар, ручка, қоғоз, расм дафтари, елим сўради. Магазин ходими «Ҳали келгани йўқ» билан қутилди.

Шаҳарда нон етарли, аммо унинг сифати мутлақо талабга жавоб бермайди. 48-дўкон мудири ўртоқ Романованинг айтишича, нон баъзан - хом, баъзан шўр ёки тузсиз пиширилади. Оқибатда кўпинча 200-300 килограммлаб нон сотилмай қолади.

30- сабзавот дўконида на кўк пиёз, на редиска, на картошка, на бошқа резавор кўкатлар бор. Бундай аҳволни шаҳардаги бошқа сабзавот дўконларида ҳам кўриш мумкин. Аҳоли сабзавот, кўкат ва бошқа зарур нарсаларни фақат бозор куни хусусий кишилардангина сотиб оладилар. Бу нарса шаҳар савдо ташкилотларини мутлақо ташвишга солмаётир. Умумий овқатланиш идорасининг бошлиги ўртоқ Шарипов: «Менда кўкат йўқ, ресторан, ошхона раҳбарлари сотиб олаверсин, қарши эмасман» деган фикрда. Аммо ошхона ва ресторанларда таомларнинг сифати паст, хусусан «Весна» ресторанида кўк пиёз, редиска, картошка ишлатилмайди, менюдаги палов, манти, лагмон, чучвара, шўрва эса аслида тайёрланмайди.

Қутбиддин Тошмуҳамедов директорлик қилаётган 10-магазиннинг олди, ичкариси мебелларга тўлиб кетган, юришга имконият йўқ. Қимматбаҳо мебелларнинг бир қисми кўчада ётибди. Магазиннинг подвалида бир неча минг тарелка, пиёла, чойнак сингари чинни идишлар сақланяпти.

— Нега бу идишларни сотмай сақлаяпсиз?

— Буларни ўзим ташкил қилиб олиб келганман, секин-секин сотавераман, — дейди магазин мудири. Аммо кўпчилик магазинларда чинни асбоблар топилмайди.

— Мана бу гилам ва дорожкаларни нега сақлаб турибсизлар?

— Э мулла ака, — дейди Тошмуҳамедов, — ўн бир дона гилам, 30 метр дорожка, 110 та стулни қачондан бери чанг босиб ётибди, кошки уларни сота олсак... тақсимлаб қўйишган, эгалари келиб олишмаяпти.

Маълум бўлишича, шаҳар савдо бўлими айрим раҳбарларнинг топшириғига мувофиқ, товарларни рўйхат бўйича, талон билан сотмоқда. Айрим харидорлар талонни қўлига олгач, бамайлихотир юришибди. Икки ўртада товар обороти планига зарба етмоқда. Биргина бу магазинда эмас, бошқаларида ҳам холодильник, кир ювадиган машина, мотоцикл сингари бир қанча товарлар ҳам рўйхат билан сотилаётир.

Шаҳар магазинларида ҳаммаси бўлиб 19 та гилам, бир неча ўн метр дорожка, 6 та холодильник, 4 та мотоцикл, 400 та стул икки-уч ойдан буён эгасини кутиб, сотилмай ётибди. Шундай бир шароитда Олмалиқ меҳнаткашлари бир неча соат йўл босиб, стол, дорожка, стул, кир ювадиган машина ва бошқа зарур буюмлар сотиб олгани Тошкентга бормоқдалар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидаги айрим ўртоқларнинг аҳолига савдо хизматини кенг йўлга қўйиш ва харидорлар талабини қондириш ўрнига кабинетда ўтириб, тақсимотчилик қилаётганларини нима деб баҳолаш керак? Шаҳар партия комитетининг секретарлари В. Муҳамедов, В. Климачев ва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Котов ўртоқлар бунга нима дер эканлар?

Тўғри, энг зарур товарларни мумкин қадар бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи, хизматчиларга етказиб бериш керак. Бироқ, буни давлат товар оборотига халал етказган ҳолда қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Товарларни бевосита иш жойига элтиб сотишни уюштириш мумкин-ку, ахир.

Тошкент область савдо бошқармасининг бошлиги ўртоқ Эргаш Муҳамедовга мурожаат қилиб, Олмалиқдаги «янгича» савдо қоидасини изоҳлашни илтимос қилдик. Ўртоқ Муҳамедов афсусланди:

— Бу нотўғри ҳаракат. Лекин савдо принципини бузиш ҳоллари биргина Олмалиқдагина бўлмай. Чирчиқ шаҳрида ҳам кўпдан бери давом этмоқда. Афсуски, буни областнинг айрим раҳбарлари қўллаб-қувватлаяпти.

Олмалиқ — Тошкент областидаги тез обод бўлаётган янги шаҳарлардан бири. Бу шаҳардаги корхоналар ишлаб чиқариш планларини мунтазам бажариб келмоқдалар. Шаҳар аҳолиси йил сайин эмас, ой сайин кўпайиб бормоқда. Бироқ шаҳар аҳолисига маданий-маиший ҳамда савдо хизмати кўрсатиш ҳозирги талаблар даражасида эмас.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИ

Коммуна асрининг яшнар баҳори,
Дилларда Ватаннинг ғурури яшар.
Мустаҳкам тинчликдир халқим шиори,
Советлар юртига қойилдир башар.
«Восток»лар учирдик юлдузлар сари,
Марсга ҳам йўл олдик фазолар бўйлаб.
Биздадир жасорат, мардликнинг бари,
Қалбларда ҳур меҳнат мадҳини куйлаб.

Яшнади саҳролар, бўстон бўлди соз,
Булоқдек қайнайди туганмас ижод.
Тинчлик қўшиғимиз қилмоқда парвоз —
Бу қўшиқ қалбларда яшар умрбод.
Жонажон партия меҳрибон падар,
Ўзингсан жаҳонга нур сочган қуёш.
Омон бўл ҳамиша минг йиллар қадар,
Тинчликка асосчи—зафарларга бош.

Халқ маданият университети

ЧИМБОЙ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Яқинда шаҳарда халқ маданият университети очилди. Университетда қишлоқ хўжалик фанлари ютуқларини ўрганиш, илмий-атеизм, соғлиқни сақлаш ва педагогика билими факультетлари бор.

Қисқа вақт ичида университет тингловчилари бир неча ўн кишига етди.

Театр учун бино

Самарқандда янги театр биноси қад кўтармоқда. Бино 4 қаватли бўлади. Айланма саҳна пульт орқали бошқарилади. Ўзбек драма ва комедия театрининг янги биносида бир йўла 1.300 томошабин спектакль кўра олади.

Р. РАҲМОНОВ.

ЯНГИ УЙЛАР

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози республикамиздагина эмас, балки Иттифоқда ҳам машҳурдир. Бу колхоз аъзоларининг турмуши йилдан-йилга фаровон бўлиб бормоқда. Ўтган йили колхоз бинокорлари Тошкент—Чирчиқ йўли чеккасига 30 дан ортиқ тўрт хонали уй қуриб берган эдилар.

Колхозда бу йил ҳам қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Яқин вақт ичида колхозчиларга 20 дан ортиқ уй фойдаланишга топширилади.

Т. РУЗИМАТОВ.

Қўқондаги ўлкани ўрганиш музейида ўймакор уста Қодиржон Ҳайдаровнинг ижодига бағишланган виставка очилди. Бу ерда ҳунарманд ишларидан намуналар қўйилган. Виставка талантли ва атоқли рассомнинг ярим асрлик ижодидан ҳисоб беради. Қодиржон аканинг номи ҳозир фақат республикамиздагина эмас, бошқа қардош республикалар, Москвада ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Ҳозир Қодиржон ака ишлаган нафис буюмлар Москва, Ленинград, Тошкент, Фарғона музейларида кўргазмага қўйилган.

Талантли рассом 50 дан ортиқ оригинал асар яратрики, у ўйиб ишлаган гуллар ёғоч буюмга жон киритди, ҳусн бағишлади. У кишилар пертретини ҳам ёғочга ўйиб ишлашни биринчи бўлиб бошлаб берди. Шу кунларда рассом республикамизнинг 45 йиллиги шарафига янги асарлар яратиш устида ишламоқда. Суратда: ўймакор рассом Қ. Ҳайдаров.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Наштар

ЧИЛЛАКИ ДИПЛОМ

Тошкент алоқа техникумининг ўқитувчиси А. А. Косенко илгари Тошкент кино техникумида илмий бўлим мудири бўлиб ишлар эди. Нима бўлди-ю, ғишт қолипидан кўчиб, сири ошкора бўлаёзди. Чунки унда дарс бериш учун на илм, на қўлида ҳужжат бор эди-да. Дўпписи тор келиб қолган Косенко арзон-гаров диплом излаб Тошкент алоқа техникуми раҳбарларининг ёқасидан кириб, енгидан чиқди.

— Дардингни билиб турибман, сенга диплом керак, шундайми, — сўради директор ўринбосари Карабанов.

— Оғзингизга шакар-ей!

— Дўстинг учун заҳар ют деганлар, — деди яна Карабанов, — эртагаёқ тўрт эллик ариза билан ўрта маълумотингиз ҳақидаги ҳужжатларни келтиринг!

— Ҳужжат?.. Э дўстим, ўша ҳужжатдан йўқ-да. Ўзингиз... бир иложини қилинг.

— Оббо сизей, — деди Карабанов ўйланиб, — майли бир ўйлашиб кўрармиз...

Шу куннинг эртасигаёқ А. А. Косенко 1-курсга қабул қилинсин, деган 27-сонли буйруқ пайдо бўлди.

Ана энди таажжубдан ёқа ушлайдиган ҳангамалар бошланди. Косенко шу қадар билағон, зеҳни ўткир чиқиб қолдики, асти қўяверинг. Ўқув юрти тарихида у биринчи бўлиб 4 йиллик ўқув программасини 3 кунда «сув қилиб ичиб юборди». Шунинг учун ҳам директор унинг «нодир» қобилиятини юксак баҳолади. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, яъни 19 сентябрь куни А. Косенко 28-сонли буйруқ билан IV курсга ўтказилди.

Карабанов ҳам анойилардан эмас. У сир очилиб қолишидан чўчиди шекилли, «ҳар эҳтимолга қарши» деб эълонлар тахтасига «А. А. Косенконинг тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги учун қайтадан биринчи курсга туширилсин», деган 29-сонли буйруқни остириб қўйди.

Қор ёғиб излар босилгач, директор ўринбосарининг бир қалам зарби билан яна бир янги — 30-сон буйруқ чиқди. Унда «Косенко 5 йиллик радиотехника курсини аъло баҳолар билан тугаллагани учун имтиёзли диплом берилсин», дейилган эди. Офарин! Бир кишига мурувват шунчалик бўладида...

— Табриклайман дўстим, деди Карабанов чиллаки дипломни Косенкога тантанали вазиятда топширар экан, — энди гап шундай, Анатолий, менга бир суянчиқ керак. Яхшиси, сен шу ерда қол, дарс берасан...

Шундай қилиб «вужудидан илм ёғилиб» турган Косенко ўзини универсал домла деб эълон қилиб юборди. Дарс соатлари ҳам мўмай, дарс сифати эса... яхшиси бу ҳақда оғиз очмай қўя қолайлик.

...Лекин тўсатдан кутилмаган воқеа рўй берди, Косенконинг тирговичи Карабанов бошқа институтга ишга ўтди-ю, тўрт йилликни уч кунда битирган домламиз қурт еган тишдек лиқиллаб, омонатлиги билиниб қолди.

Бунинг устига ортиқча дарс соатлари ҳам қирқиб қўйилди. Дарсларнинг сифатига талаб ошди. Ана шундан сўнг Косенко билан унинг шу ерда дарс берадиган рафиқаси Андриянова оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолишди. Сирасини айтганда буларга ҳам қийин: бир ёқда палак отган нафслари лат еса, иккинчи томондан сохта дипломнинг миси чиқишидан ваҳимага тушишди.

Косенко собиқ ҳомийси Карабанов ҳузурига югурди:

— Энди нима қиламиз хўжайин, иш чаппасига кетди-ку?

— Нима қилардинг жанжал кўтариб,— деди Карабанов Косенкога, — муроса керак эди, иним. Айтиб қўяй, шу соатдан бошлаб мен сени танимайман...

Карабановнинг кўз ўнги қоронғилашди, юрагига қил ҳам сиғмади. Қошки эди, фақатгина шу Косенконинг машмашаси бўлса. Р. Э. Субботник, А. Ниёзов ва бошқаларга енг ичида оширилган дипломларни айтмайсизми? Булар ҳам очилиб қолса-я!

Карабанов ҳозир электр алоқа институтида директор ўринбосари бўлиб ишлайди. У амалга путур етиб қолишидан қўрқиб ҳар томонга югуриб юрибди. Ҳар қанча югурмасин, чиллаки диплом кашф қилгани учун жамоатчилик орасида шарманда бўлиши турган гап.

Ш. ҚОСИМОВ,
А. АЛЕКСАНДРОВ.

ИККИ ФАН ДОКТОРИ

Яқинда тарих фанлари кандидати Ҳ. Т. Турсунов Қозоғистон Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий кенгашида «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил қўзғолони» деган темада диссертация ёқлади. Расмий оппонентлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов, Туркманистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси О. Қ. Кулиев, Қозоғистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. Н. Нусупбеков ўртоқлар ўзбекистонлик тарихшунос олимнинг илмий ишига юксак баҳо бердилар.

Қозоғистон Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий кенгаши Ҳ. Т. Турсуновга тарих фанлари доктори деган илмий даражани беришга қарор қилди.

Тарих фанлари кандидати М. Х. Назаровнинг узоқ йиллардан буён олиб борган илмий ишлари ҳам муваффақиятли якунланди. У КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида «Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида Туркистон Компартиясининг тарихи» темасида диссертация ёқлади.

Диссертация юзасидан сўзлаган КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори, академик П. Н. Поспелов, расмий оппонентлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси О. Эшонов, тарих фанлари доктори М. М. Волков ўртоқлар олимнинг илмий ишига юксак баҳо бердилар. Илмий кенгаш М. Х. Назаровга тарих фанлари доктори деган илмий даража бериш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистоннинг тарихшунос олимлари сафига яна икки фан доктори қўшилганлиги қувончлидир.

Н. ЁҚУБОВ.

ҲУКМ ИЖРО ЭТИЛДИ

Ватанга хиёнат қилганлиги учун СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси томонидан ўлим жазосига — отишга ҳукм қилинган О. В. Пеньковскийнинг афв этиш ҳақидаги илтимосини СССР Олий Совети Президиуми рад этди.

Ҳукм ижро этилди.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

УНИВЕРСИТЕТГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитети, Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг район бўлими ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти районда адабиёт ва санъат масалалари бўйича махсус халқ университетини очишга қарор қилдилар. Партия, ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви ва бу учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев ва Л. Ф. Ильичев нутқлари ҳамда шу йил март ойида Тошкентда КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев иштирокида бўлиб ўтган Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши материаллари университетнинг асосий программаси бўлиб қолади.

Университет машғулотлари икки йилга мўлжаллланган. Машғулотларни олиб бориш учун республикамизнинг атоқли адабиёт ва санъат арбоблари жалб қилинди.

Машғулотлар ҳар ойда икки марта ўтказилади. Шуниси характерлики, ҳар бир машғулот бадиий қисм билан бирга қўшиб олиб борилади, лекциялардан сўнг республикамизнинг атоқли санъаткорлари иштирокида концерт берилади, адабиёт ва санъатга доир кинофильмлар кўрсатилади.

Жамоатчилик асосида ишловчи адабиёт ва санъат халқ университетига марҳамат!

Е. ЖЎРАЕВ.

АРТЕЗИАН ҚУДУҚЛАРИ

Республика яйлов-мелиоратив қурилиш трестига қарашли Фарғона пармалаш экспедицияси ишчи ва хизматчилари яхши иш бошладилар. Улар Фарғона водийсидаги колхоз ва совхоз ерларини ер ости суви билан таъминлаш мақсадида 1963 йилда 200 дан ортиқ артезиан қудуғини ишга туширишга аҳд қилдилар.

М. ҚЎЧҚОРОВ.

«ДОВДИРАШ АЛОМАТИ»

Яқинда «Наштар» ўзининг катта-кичик мухбирларини тўплаб, бир кунлик кенгаш ўтказди. Кенгаш охирида дилкаш савол-жавоб ҳам бўлди. Суҳбатни пенсионер Э. Рўзибоев бошлади.

Э. Рўзибоев: — Мумкинми?

«Наштар»: — Марҳамат.

— Терговчи билан жиноятчи апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкинми?

— Мумкин. Сирдарё район милиция бўлимининг терговчиси Билов жиноятчи Раҳимов билан оғиз-бурун ўпишиб юрибди. Бунинг учун озгина томоқ мойи ишлатилган эмиш.

А. Содиқов: — «Биринчи сортли» юлғични қаерда учратиш мумкин?

«Наштар»: — Октябрь районидаги 133-озиқ-овқат магазинига бораверинг. Сотувчи Х. Аминов бир килограмм гуручдан 100 грамм урмаса,ароқнинг бутилкасини пулламаса, ухлай олмайди. Хуллас, юлғичнинг баайни ўзи. Сортини эса ўзингиз белгилаб олаверасиз.

Э. Ҳамидов: — Янгиқўрғон бошқармасидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ўтган йили сут тайёрлаш планини 40 процент бажарган эди.

«Наштар»: — Ажаб...

— Бу йил-чи?

— Бир нарса дейиш қийин, чунки раис О. Келдиев каймоқхўрликдан бош кўтармаяпти.

О. Эркаев: — Мен Яккабоғ бошқармасидаги «Коммунизм» колхозидан келдим.

«Наштар»: — Жуда соз.

— Қўтанбой участкасига борадиган йўлни яхшилашнинг иложи борми?

— Бор. Колхоз раиси Мирзаевни ана ўша йўлдан бир-икки бор пиёда юргизиш керак.

И. Учқун: — Савдо министрлиги Қўқонга фақат сурнайпоча шим юборяпти. Кексалар жуда хафа.

«Наштар»: — Хафа бўлишмасин. Келгуси йилга фақат почаси кенг, юбкасимон шимлар юборилади. Буларни барибир Тошкент магазинларидан ҳеч ким сотиб олмаяпти.

Р. Мамадалиев: — Поп район «Правда» колхозидаги клуб нима мақсадда қурилган?

«Наштар»: — Қушлар бола очсин деб.

— Вақт-вақти билан ҳаваскорлар машғулот ўтказиб турса бўлмайдими?

— Бўлмайди. Партком хафа бўладилар.

Ш. Мўминов: — Яқиндан буён Шаҳрисабз радио узели Тошкентни бутунлай ўчириб, фақат маҳаллий ахборотни берадиган одат чиқариб қолди. Бу нимнинг аломати?

«Наштар»: — Довдирашнинг аломати.

А. Иброҳимов: — Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли, Навоий номли, «Коммунизм», «Октябрь» колхозларининг клубларига тамаки жойлаб қўйилган.

«Наштар»: — Демак, ўша ердаги раҳбарлар тамаки билан санъатнинг фарқига боришмас экан.

Т. Абдуллаев: — Герман Титов номли совхозда Муҳаррам Рўзиева деган текин томоқ яшайди. Ҳеч жойда ишламай, бировлар ҳисобига кун кўради. Ўшани бир танқид қилиб қўйсанг.

«Наштар»: — Унга гап таъсир қилмайди, дейишадику?

Э. Эшқулов: — Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги Луначарский номли мактабнинг директори К. Убайдуллаевни пули бўлмаса қўйлагини сотиб ичади, дейишади. Ростми?

«Наштар»: — Ёлғон. Бировлар номига пул ёзиб олишни касб қилгандан буён Убайдуллаев эски одатларидан воз кечган.

Хуллас, кенгаш давомида ҳар хил саволлар берилди. Ҳаммасини ёзиб ўтирмаймиз. Фақат шуни айтмоқчимизки, «Наштар» савол-жавобга актив қатнашиб, баъзибир камчиликларни рўйи-рост очиб ташлаганликлари учун ўз активларига чин юракдан ташаккур айтди...

Х. ТЎХТАБОЕВ.

ЙЎЛДА МАШИНА ПОЙЛАБ

Кечки пайт Хева — Янгиариқ йўлида бир тўда йўловчи Чиқирчига машина пойлаб туришибди. Ҳар куни аҳвол шундай. Урганч шаҳар 13-автобаза раҳбарлари аҳолининг Янгиариқ — Чиқирчи маршрутидан автобус қатнатиш ҳақидаги талабларига қулоқ солмаётир. Бунинг оқибатида Чиқирчи қишлоқ Советигача бўлган 16 километрли масофани йўловчилар пиёда босишга мажбур бўляпти.

Наҳотки, Янгиариқ—Чиқирчи оралигида автобус, ҳеч бўлмаса, юк таксилари қатнатиб қўйиш шунчалик қийин бўлса. Бизнингча, бу унча қийин эмас. Бу—автобаза раҳбарларининг меҳнаткашлар талабига жиддий қулоқ солмаётганлиги оқибати, холос.

Қ. БОБОЖОНОВ.

КУЧЛИЛАР СИНОВИ

Бугун пойтахт спортчиларининг ҳаётида катта воқеа. Соат 16 дан 30 минут ўтганда «Пахтакор» стадионида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон енгил атлетикачиларининг матч учрашуви бошланади.

300 га яқин спортчи қатнашаётган бу қизиқарли мусобақа икки кун давом этади. Мусобақа қатнашчилари орасида мамлакат рекордчиси Савинков (Қозоғистон), «Юманите» газетаси кроссининг ғолиби Иванов (Қирғизистон), Европада кучли спортчи ҳисобланган Папичкин (Тожикистон), «Правда» газетаси кроссининг мукофотчиси Потскин (Туркманистон) ва бошқалар бор.

Республикамиз спорт шарафини Фозилакбаров, Муллабоев, Чувилин, Денишева, Усмонов, Кутенин ва бошқа спорт мастерлари ва биринчи разрядли енгил атлетикачилар ҳимоя қиладилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Оламда нима гап

КОМИТЕТ ИШИ ТЎХТАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 май. (ТАСС). Бу ерда очилган БМТ Бош Ассамблеяси махсус сессиясининг маъмурий ва бюджет масалалари комитетининг дастлабки мажлиси кеча бўлиб ўтди. Комитет муҳокамасига тақдим қилинган ҳужжатлар БМТнинг молиявий қийинчиликларга учраганидан далолат беради. Бу қийинчиликлар мустамлакачиларнинг ҳаракатлари натижасида келиб чиқди.

Комитет мажлисида сўзга чиққан Нигерия вакили Адебо Бош Ассамблея махсус сессиясининг молия масалалари бўйича тавсияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланган ишчи группанинг раиси сифатида сўзга чиқиб, ишчи группа дуч келган жиддий келишмовчиликлар ҳақида гапирди. Бу келишмовчиликлар натижасида умумий битимга келиш мумкин бўлмади.

Комитет иш бошлаганидан кейин 40 минут ўтгач, комитет ишини 20 майгача тўхтатиш ҳақидаги таклиф қабул қилинди. Бу таклиф делегациялар ўртасида музокаралар ва консультациялар ўтказиш зарурлиги муносабати билан киритилган эди.

«МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ДАЛИЛИ»

ГАВАНА, 16 май. (ТАСС). Куба матбуоти Фидель Кастронинг Совет Иттифоқидаги сафарига катта эътибор бериб келмоқда. Ҳамма газеталар ҳар куни бир неча саҳифаларини Фидель Кастронинг СССРда бўлиши ҳақидаги материалларга бағишламоқдалар.

Революцион ҳукумат Бош министри Фидель Кастронинг Совет Иттифоқининг бепоён территорияси бўйлаб қилаётган сафарининг ҳар бир босқичи, — деб ёзади «Мундо» газетаси бош мақоласида,—Куба ва совет халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг янги далилидир. Фидель Кастронинг улуғ дўст мамлакат гражданлари билан бевосита алоқаси, деб таъкидлайди газета, иккала халқ ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлайди.

«Мундо» газетаси Куба Бош министрининг Братскда сўзлаган нутқини шарҳлаб, Братск ГЭСи қурувчиларининг намунаси ҳамма кубаликларни социализм қурилишига илҳомлантиради. Ўз партияси ва ўз революцион ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган Куба халқи, деб ёзади «Мундо» газетаси, ҳамма учун мўл-кўлчилик ва бахт-саодат яратиш йўлида қардош совет халқининг самарали намунаси ва бой тажрибасидан фойдалана олади.

Плайя-Хирон қаҳрамонларини, Ватанни озод қилиш учун, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш учун кураш қаҳрамонларини берган бизнинг халқимиз, деб таъкидлайди «Революсьон» газетаси, яратувчилик меҳнати қаҳрамонларини ҳам бера олади ва беради.

СУКАРНО НУТҚИ

ЖАКАРТА, 16 май. (ТАСС). Индонезия аввалдагидек бундан буён ҳам Шимолий Калиманта аҳолисининг мустақилликка эришиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайди ҳамда «Шарқи-Жанубий Осиёдан империализмнинг ҳайдаб чиқарилишига» эришиш учун ҳаракат қила беради, деди Индонезия президенти Сукарно.

Сукарно 15 майда Индонезия халқ маслаҳат кенгашининг Бандунгдаги сессияси очилишида сўзга чиқиб, бундай деди: «Биз ўз революциямизнинг ғалабасини мустаҳкамламоқчи бўлаётган бир вақтда Индонезия революциясининг душманлари бизни неоколониализм ҳалқаси билан қуршаб олишга уринмоқдалар, Малайзияни вужудга келтириш идеяси буни исботлаб берди. Шу нарсани эътиборга олиб, биз ўз принципимизга содиқ бўлиб қолишимиз лозим — биз Малайзия неоколониализмининг ҳар қандай уринишлари ва тадбирларига аввалдагидек қарши чиқишимиз керак».

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ЧАҚИРИҒИ

ПАРИЖ, 16 май. (ТАСС). Бургосдаги (Испания) тюрьманинг сиёсий маҳбуслари жамоатчиликка мурожаат қилиб, сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилиниши ва испан халқига демократик эркинликлар берилиши учун Испанияда ва бутун дунёда кампания бошлашга чақирдилар.

Испания сиёсий маҳбуслари ўзларининг сиёсий маҳбуслар статуси эътироф этилишини, ўз ишларининг қайтадан қараб чиқилишини, тюрьмадаги шароитнинг яхшиланишини талаб қиладилар.

ПОЛИЦИЯНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

БЕРЛИН, 16 май. (ТАСС). АДН агентлиги мухбирининг Прагадан хабар беришича, Халқаро журналистлар ташкилоти Ғарбий Германия ички ишлар министри Хехерль ва Ғарбий Германия сенатига юборган телеграммаларида сиёсий полициянинг Ғарбий Германиядаги ва Ғарбий Берлиндаги ГДР журналистларига ва Берлин матбуот бюроси ходимларига нисбатан террорчилик ҳаракатларига қарши энг қатъий норозилик билдиради.

Халқаро журналистлар ташкилоти камоққа олинган барча ҳамкасбларнинг дарҳол озод қилинишини ўзининг 80 минг аъзоси номидан талаб этади. Халқаро журналистлар ташкилоти журналистларни таъқиб қилиш матбуот ва информация эркинлиги тўғрисидаги халқаро битимлар ва декларацияларни қўпол суратда бузишдан иборат эканлигини таъкидлайди.

МАРОКАШДА БИРИНЧИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

РАБОТ. (ТАСС). Янги конституцияга мувофиқ, 17 майда Марокашда парламент сайлови ўтказилади. Вакиллар палатасига 144 аъзо сайланади. Депутатликка 500 номзод кўрсатилган.

Мамлакатда сайлов кампанияси сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг кескин кураши вазиятида ўтди.

Марокаш Коммунистик партияси тақиқланган ва сайловда қатнашмайди.

ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ БЎЛАДИ

БЕЛГРАД, 16 май. (ТАСС). 18 майда Белградда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг V пленуми бўлади, деб хабар беради Белград газеталари. Пленум кун тартибида қуйидаги масалалар бор:

1. Актуал халқаро масалаларга ҳамда тинчлик ва социализм учун курашда халқаро ишчилар ҳаракатининг вазифаларига нисбатан Югославия Коммунистлар союзининг тутган позицияси.

2. Ҳар хил масалалар.

Пленумда Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари Иосип Броз Тито доклад қилади.

Контрреволюционерлар шайкаси тугатилди

ГАВАНА. (ТАСС). Куба давлат хавфсизлиги органлари Матансас вилоятининг жанубий қисмида контрреволюционерларнинг катта шайкасини тугатди. Бандитлар деҳқонларни ўлдирганлар, жамоат мулкини талаганлар ва нобуд қилганлар. Шайканинг «Перико» лақабидаги бошлиғи Педро Санчес Родригес ўлдирилди, унинг бир қанча шериклари қамоққа олинди.



Новая Гутадаги В. И. Ленин номли металлургия комбинати — Польша индустриясининг гигантидир. Бу корхона ҳар йили халқ хўжалигига 2 миллион тоннадан кўпроқ пўлат етказиб бераётир. Келажакда комбинатни янада кенгайтириш мўлжалланилмоқда. Суратда: комбинатнинг совуқ прокат цехига ўрнатилган Урал оғир машинасозлик заводи ишлаб чиқарган прокат станоклари.

ЦАФ-ТАСС фотоси.

ЯНГИ СПОРТ МАСТЕРЛАРИ

Қардош республика шахматчиларининг Тошкентда ўтказилган мусобақасида мастерликка кандидат Г. Шахзода — 8,5, Н. Хасидовский—8, Г. Бударин 7,5 очко тўплаб, яхши кўрсаткичларга эришдилар ва спорт мастерлиги нормасини бажардилар.

И. БИРБРАГЕР.

САТРЛАР

Тошкент политехника институтида студентларнинг илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда химия-техника факультетининг доценти С. Абдураззоқов ва студентлардан Д. Мирраҳимов ва бошқа ўртоқларнинг турли темалардаги докладлари тингланди.

Я. ТОЛСТОНОГ.

Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институти студентлари ўз кучлари билан 980 метрли водопровод канализациясини қуриб битказдилар.

Т. КОМИЛОВ.

Тошкент пойафзалчилар клубида студентлар илмий жамиятлари аъзолари илмий ишларининг виставкаси очилди. Унда пойтахтнинг барча олий ўқув юртлари студентлари ўз ишлари билан қатнашдилар. Виставкада Тошкент темир йўл транспорти институти студентлари биринчиликни олдилар. Уларга техника олий ўқув юртлари учун белгиланган биринчи даражали диплом топширилди.

М. СУЛТОНОВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Травиата,** 19/V да кундуз **Байдерка,** кечқурун **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Тобутдан товуш,** 19/V да кундуз **Олов,** кечқурун **Булутлар тарқалса...**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино) — 18/V да **Ишқинг билан,** 19/V да **Тошболта ошиқ.** Спектакллар кеч соат 9 да бошланади.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ
РЕСПУБЛИКА
МЕДИЦИНА
БИЛИМ ЮРТИ
1963/64 ўқув йилида
СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ «МЕДСЕСТРА» ИХТИСОСИГА
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимга даволаш-профилактика муассасаларида ўз ихтисослари бўйича (медсестра, акушер, лаборант, санитарка бўлиб) камида 2 йил ишлаган ҳамма ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Аризалар 1 августгача қабул қилинади.

Ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: иш жойидан характеристика-тавсия, маълумот ҳақидаги гувоҳнома (аттестат)нинг асл нусхаси ёки ўрта мактабнинг 8, 9, 10-синфига кўчганлик ҳақида гувоҳнома, меҳнат дафтарчасидан муассаса раҳбари тасдиқлаган кўчирма (Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва Қуролли кучлар сафидан бўшаб келган кишилар ҳарбий билетдан кўчирма тақдим қиладилар), таржимаи ҳол, 286-форма медицина справкаси, 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, турар жойдан справка.

7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар: рус тилидан (ёзма, диктант), рус тили ва адабиётидан оғзаки), математикадан (оғзаки), миллий группага кирувчилар—ўзбек тили ва адабиётидан, 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар: СССР тарихидан, рус адабиётидан (иншо) имтиҳон топширадилар.

Эслатма: Кириш имтиҳонларини топширган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари конкурссиз қабул қилинади. Ўрта мактабнинг 7-синфини мақтов қоғози билан тамомлаганлар (аълочилар), ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тамомлаган кишилар биринчи навбатда қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга кириш учун ариза берган кишиларнинг ҳар бирига имтиҳон топшириш куни хабар қилинади.

Ҳужжатлар заказной бандероль қилиб юборилсин.

Адрес: Тошкент шаҳар, Киров район, Варнаул кўчаси, 9-уй, сиртқи бўлим.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06935. Индекс 64543. Нашр. № 115.